



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

44 (157) ● 2011 йил 9 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

Сиёсий партиялар, уларнинг ҳудудий ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари, маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан Концепцияда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган иш режаси ва ҳаракат дастури тузилган.



Ипак йўлида туризм

Бугунги халқаро туристик ярмарканинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад юртимиздаги туризм имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, халқаро алоқаларни янги поғоналарга олиб чиқишдан иборат. Ўзбекистонда туризм тармоғини ривожлантириш учун барча шароитлар етарли.



Нурота музейи

Нурота чексиз имкониятлар ва сир-синаотлар маскани. Мустақиллик шарофати билан табиатнинг ноёб тухфаси бўлган Нурота "Чашма" мажмуаси қайта реконструкция қилинди. Ҳозирда бу зиёратгоҳ нихоятда гўзал, инсонни ҳайратга солувчи масканга айланган.




3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

ГУРУР



Миллий бойлик

АЛИШЕР НАВОЙИЙ МЕРОСИ ВА ДАВЛАТ ТИЛИ МАВҚЕИ ХУСУСИДА

Она тили мамлакатнинг гурури, ифтихори ҳисобланади. Миллатнинг маданияти, маънавияти, зиёлик даражаси она тилига муносабатда ҳам аниқ кўринади. Ўзбек тили халқимизнинг миллий бойлиги сифатида қадим-қадимдан бугунгача аجدодларимиз томонидан эъзозланиб, ардоқланиб, сайқаланиб келмоқда.

Буюк мутафаккир ва шоир, давлат ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоийнинг она тилимизга муносабатлари, бу тилнинг нихоятда бой, гўзал, такрорланмас тил сифатидаги

имкониятларини ўзларининг шоҳ асарлари билан исботлаб берганликлари, она тилимизнинг софлиги, обрў-эътибори, таъсирчанлиги, юқори нутқ маданияти учун курашганликла-

ри, миллатимизнинг фахри сифатида, ҳар қанча таҳсинга, эъзозга лойиқдир. Тил ва нутқ маданияти жамият ҳаётининг ажралмас қисми, чунки она тили муҳим тарбия воситаси сифатида кишиларни буюк мақсадлар сари йўналтиради, руҳлантиради, эзгу орзу-умидлар билан яшашга ундайди. Сўзининг куч-қудрати, тилнинг ўткир кўрөл эканлигини Алишер Навоий асарлари мисолида аниқ ҳис этиш мумкин.

5-бет

ЙИГИЛИШ

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси: ЯНГИ ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида илгари сурилган Концепциядаги гоя ва мақсадларни амалга ошириш юзасидан партия олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси жамият ҳаётини ислохот этиш йўлида янги уфқларни белгилаб бериши билан муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Концепция тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олди. Бундай кенг қамровли вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш учун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси энг аввало, ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсий партия сифатида жамият ҳаётини мустақам

ўрин эгаллаш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараши ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйига ола билладиган етук кадрлар потенциалини вужудга келтириш, партия мафқураси ва гоёсига янгича ёндашувларни шакллантиришга қаратилган иш дастурларини белгилаб олган. Ана шу дастур ижросини таъминлашга қаратилган янги лойиҳа — "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўқув-услубий ва таҳлил маркази"ни ташкил этиш Ижроия Кўмитаси йиғилиши иштирокчилари диққат марказида бўлди. Ўқув-услубий ва таҳлил мар-

ХАБАРЛАР

Идоралараро

комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги "Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Шунингдек, комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Янги нав яратилди

Хоразм Маъмур академияси олимлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология институтининг олимлари билан ҳамкорликда вилоят тупроқ ва иқлим шароитига мос янги гўза навини яратилди.

Бир неча йиллик тадқиқотлар натижасида академия олимлари Рўзимбой Эшчанов ва Аваз Жуманиёзов тажрибали селекционер Дамир Аккужин раҳбарлигида гўзанин янги "Раҳмат" навини яратдилар. Ушбу нав Хоразм Маъмур академиясининг экспериментал базасида экилиб, синодан ўтказилди. Селекционерларнинг айтишича, давлат реестрига киритилган "Раҳмат" нави сувсизликка чидамли ва нисбатан эртапишардир.

"Наврўз" хиёбони

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби Қашқадарё вилоятида ҳам кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён шаҳарда тўрт оздан зиёд янги объект фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон-2 кўчасида барпо этилган "Наврўз" хиёбони шулар жумласидандир. Хиёбонда шаҳар аҳли ва меҳмонларининг кўнглидагидек дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган. "Хунарманд" уюшмасининг Қарши шаҳар бўлими ташаббуси билан янги хиёбонда мактаб ўқувчилари ясаган турли буюмлар ва суратлар кўргазмаси ташкил этилди.

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ



Оилавий тадбиркорлик

АНЪАНАЛАРИМИЗГА ХОС ХУСУСИЯТ

Ватанимиз йигирма йиллик мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу давр мобайнида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишнинг мустақам асоси яратилди. Халқимизнинг фаровон турмуш тарзини таъминлайдиган, ҳар томонлама пухта ўйланган ўзгаришлар ва ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Табиийки, бу жараёнларда иқтисодий барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, оилавий бизнесни йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш борисида ёшлар ва аёлларга қўлай имкониятлар яратилмоқда.

2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Парламент палаталари қўшма мажлисида Президент Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" деб

номланган маърузасида бизнеснинг ушбу ташкилий шакли бизнеснинг миллий анъаналаримизга тўлақонли мос келиши таъкидланган. Бугунга келиб мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик билан ҳар тўртинчи оила шуғулланмоқда. Бу ўз навбати-

да халқимиз миллий анъаналарининг тикланиши учун янги-дан-янги имкониятлар яратади. Оилавий тадбиркорлик эндиликда нафақат хунармандчилик ёки ишлаб чиқаришни, шунингдек, бошқа соҳаларни ҳам қамраб олмақда.

2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурида, аввало кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу соҳадаги ислохотларнинг ривожланишга хизмат қиладиган янги қонунчилик меъёrlарини қабул қилиш масалаларида жиддий эътибор қаратилди.

2-бет

КАДРИЯТ

Аёл маънавияти

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Алла бола руҳиятига сокинлик бахш этувчи, вужудига ором берувчи қадимий халқ қўшиғи саналади. Унда она меҳри, муҳаббат ва қайноқ туйғулари ўзаро жамланиб, бир бутунликни ташкил этади. Алла қайси тилда айтилишидан қатъий назар, гўдак унинг сеҳри, майин оҳанги ва диалогтар сўзларидан сармаст бўлиб уйқуга кетади. Шу боис ҳам у ханузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Истиқлол шарофати, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида миллий кадрият, анъана, урф-одатларимизни тиклаш, юртимизнинг бой тарихи,

бетақдор маданиятини ўрганиш, ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш, қолаверса, дунё аҳлига тарғиб ва ташвиқ қилиш имконияти пайдо бўлди. Халқимизнинг бой ва бе-

такдор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни, хусусан, ёшларни миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳар томонлама кўмаклашишни ўзининг дастурий мақсад ва вазифаси, деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ана шу йўналишда бир қатор тадбир, давра суҳбати, семинар, кўрик-танлов ва фестиваллар ташкил этиб келмоқда.

3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи = 158

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Оилавий тадбиркорлик

АНЪАНАЛАРИМИЗГА ХОС ХУСУСИЯТ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқимиз азал-азалдан ўзининг ишбилармонлиги, меҳнатқашлиги ва уйдабуронлиги билан ажралиб турган. Улар кўли гул уста, хунарманд, моҳир савдогар, деҳқон ва тадбиркор бўлишган. Бу борадаги билим ва кўникмалар авлоддан авлодга ўтиб келган. Агар тадбиркорликнинг у ёки бу тури билан шуғулланаётган оилаларга эътибор берилса, Президентимиз Концепцияда илгари сурган аҳамиятли ва ҳаётий фикрларнинг тарихий илдизларини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг илгари сурган асосий ғояси миллий кадрларни ҳимоя қилиш, халқимиз маънавияти, миллий анъана ва урф-

кузатиш мумкин. Баъзилар оила ва иш бир-бирига зид тушунчалар деб ҳисоблашса, бошқалар улар бир-бирини тўлдиришини таъкидлайди. Яна бошқа бировлар тадбиркорлик билан шуғулланиш алоҳида фаолият талаб қиладиган жиддий соҳа эканлигини илгари суради. Энг муҳими: халқимиз оилавий тадбиркорлик моҳиятини тушуниб етиб, унга ижодий ёндашмоқдалар. Айниқса, оилавий тадбиркорлик бирдамликда, ҳамжихатликда гуллаб-яшнайдди. Бу эса оила аъзоларини яқинлаштиради, ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ришталарини мустаҳкамлайди.

Оилавий тадбиркорликнинг яна бир устун томони ўзаро ишончга асослангани билан аҳамиятлидир. Чунки тадбиркорлик билан бирон-бир қинғир иш мақсадида шуғулланаётган оилани тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари оилада муносабатлар пулдан устунроқ, шунинг учун ҳам келишмовчиликлар камроқ учраши ҳам амалиётда кўп эътироф этилади.

Оилавий бизнес асосини ўзаро ишонч, ҳамкорларнинг мақсади ва интилишларидаги муштараклик ташкил этади. Бундай ҳолат эса оддий ҳамкасблар орасида ҳар доим ҳам учрамайди. Яқинлар билан нафақат уйда, балки ишхона ёки офисда ҳам ёнма-ён бўлиш йўлининг афзаллигини

Оилавий тадбиркорликнинг яна бир устун томони ўзаро ишончга асослангани билан аҳамиятлидир. Чунки тадбиркорлик билан бирон-бир қинғир иш мақсадида шуғулланаётган оилани тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари оилада муносабатлар пулдан устунроқ, шунинг учун ҳам келишмовчиликлар камроқ учраши ҳам амалиётда кўп эътироф этилади.

одатларини тиклаш, бой тарихий меросини асраб-авайлаш ва миллий тикланиш ғоясини халқнинг онгига етказиш, бу борада кенг тарғибот ишларини олиб бориш орқали Ватанимиз тараққиётига, кучли демократик давлатдан кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилишдир. Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари барпо этиш, анъанавий тадбиркорлик маданиятининг ўсишини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратишга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш маҳаллалардаги маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий-тарбиявий муаммоларни ечишга ёрдам беради. Чунки тарихдан биламизки, миллий хунармандчиликнинг билим ва кўникмалари авлоддан авлодга оила институти орқали ўтиб келган ва айнан оила бу борада мутахассисларни тайёрлаш майдони саналган.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорликнинг турлари кўпайгани сари унга нисбатан турлича муносабат, нуқтаи назарларни ҳам

бугунги кунда дунёдаги миллионлаб инсонлар англамоқда ва шу йўлни танлашмоқда. Статистика маълумотларга қараганда, оилавий корхоналарда ер юзидagi ишчи кучининг ярмидан ортиги ишламоқда, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ярмини ташкил этади.

Оилавий фирмаларнинг муваффақияти келажакни кўра билиш ва уни келгуси авлодга қолдириш имконияти ҳамдир. Яна бир устунлик: ортттирилган билим ва кўникмалар ёлланган ишчилар билан кетмайди, балки шу корхонанинг ичида қолади. Қолаверса, молиявий масалаларда уларга бемалол ишонши мумкин. Шу ўринда оилавий таълимга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки шахсни касб-хунарга йўналтиришда оиланинг ўзига хос ўрни бор.

Оилавий таълим — бу муайян оиланинг миллий ва оилавий анъаналари, урф-одатлари, хулқи ва маънавий кўринишидир. Қолаверса, у жамиятнинг маънавий-ахлоқий бўлаги, ўз ўзини бошқариш ва мустақил фаолият юритиши намунаси.

Лобар ҚОСИМОВА,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан ҳудудий партия ташкилотларида "Миллий тикланиш" ғояси ва мафқураси: уни замон талаблари асосида янгича мазмун ва қарашлар билан бойитиш ва шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусида ташкил этилаётган ўқув-семинарнинг навбатдагиси партия Жиззах вилоят кенгашида ўтказилди.

— Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепция партиянинг иш фаолияти ва айниқса, унинг дастурий мақсадлари, ғоялари ва мафқуравий Платформасини янада кучайтириш, уни замон талаблари ва янги вазифалар асосида янгилашни талаб қилмоқда ва бу олдимизда турган муҳим вазифа, - деди семинарда маъруза қилган ЎЗМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев. — Хусусан, партиянинг анъаналар ва тараққиётнинг бирдамлик тамойили асосида ўз фаолият-

• ЎҚУВ-СЕМИНАР

Партия ғояси ва мафқураси замон талаблари кўзгусида

УНИ КОНЦЕПЦИЯ АСОСИДА ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИТИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

тини ташкил қилар экан, миллий-маънавий кадрларга асосланган, фуқароларимизнинг туб манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий-демократик давлат куриш ва уни тизимли модернизация қилишга ҳар томонлама кўмаклашишни ўз мафқураси марказига қўяди.

ЎЗМТДП ўз сафларида мустаҳкам ва уйғун миллий ривожланиш идеалларига содиқ бўлган ватанпарвар, миллий ғоя, миллий-маънавий ва умуминсоний кадрларга содиқ, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган ва мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга эришиш йўлида фаол меҳнат қиладиган ижодкор зиёлилар, таълим, фан, маданият ва бошқа соҳа вакилларини бирлаштираркан ўз амалий фаолиятида ижти-

мой қатламимиз манфаатларини фаол ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда босқичма-босқич олиб борилаётган туб ислохотлар ва эришилган юксак марралар биздан партия стратегия ва тактикасини, хусусан унинг мафқурасини бугунги кун талаблари асосида ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Концепция биз учун муҳим аҳамият касб этади, - деди нотик.

Семинарда Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар асосида ЎЗМТДП фаолиятини янада кучайтириш бўйича маъруза қилган партия МК Ижроия Кўмитаси ва фракцияси аъзоси А.Маматов, ушбу дастурий ҳужжат мамлакатимизни ривожланган демокра-

тик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашидек стратегик ва устувор масалани ҳал қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

ЎЗМТДП Жиззах шаҳар кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси, сенатор Б.Мамажонов ўз сўзида Концепцияда илгари сурилган ғоялар, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳар биримизни алоҳида ташаббус кўрсатишимиз, фаолиятимизни тубдан кучайтиришимиз лозимлигини таъкидлаб, партиянинг мафқуравий соҳадаги ишларини замон талаблари даражасига кўтариш учун бир қатор тақлифларни илгари сурди.

Ўқув-семинарда сўз олган ЎЗМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ф.Қодиров туман, шаҳар ва

бошланғич партия ташкилотларида мафқура йўналишида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб, бу борада эришилган натижалар билан бир қаторда, ҳали ишга солинмаган имкониятлар ва бир қатор камчиликлар борлигига эътибор қаратди. Жумладан, ўтказилаётган тадбирлар сони етарли бўлсада, бироқ уларнинг сифати ва мазмунидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Бир қилинган тадбирлар, маърузачиларнинг профессионал маҳоратининг пастиги ишимизнинг умумий сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадбир иштирокчилари партиянинг мафқура соҳасидаги сиёсатини янада кучайтириш ва иш услубларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишди.

Ўз мухбиримиз

• МУЛОҚОТ

Масъулият — фаолиятимиз мезони

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлида ибрат ва эътиборга сазовор ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги умуммиллий ғояси атрофида жамиятнинг барча қатламларини бирлаштириш бўйича салмоқли қадамлар ташланди. Бу ўринда, жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтириш, уларнинг мақсад ва вазифаларини, олдига қўйган дастурларини кенг жамоатчиликка етказиш, депутатлар томонидан олиб борилаётган ишлар қўламини кенгайтириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда. Ана шулар ҳусусида батафсил маълумот олиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Икромжон Қаримовни сўхбатга тортидик.

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар жараёнида ЎЗМТДП Наманган вилоят Кенгаши қандай ишлар бажарилмоқда?

— Давр шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ён-атрофишмизга назар ташлаётган бўлсак, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида тараққиётни, ўсишни кузатиш мумкин. Албатта, бундай асрий ўзгаришларга мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ эришилмоқда. Табиийки, бу каби янгиланишлар жараёнидан гуллар шаҳри бўлмиш Наманган ҳам четда қолгани йўқ. Хусусан, Юрбосимизнинг бир қатор қорорлари туфайли вилоятимизда улар бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий турар-жойлар, кўп қаватли аҳоли яшаш хонадонлари, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, янги корхоналар, таълим, тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари, дам олиш масканлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида Наманган шаҳри буткул ўзгача кўнра касб этиб бормоқда.

Бундай ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу нуқтаи-назардан сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ижтимоий қатлами сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва воқолатларини кучайтиришга қатъа аҳамият қаратишмоқда. Zero, сиёсий партия сифатида бугун давр олдимизда қўётган янги вазифаларни чуқур англаб, фаолиятимизни тубдан қайта

куришимиз, етук сиёсий куч сифатида жамиятимизда мустаҳкам ўрнинизга эга бўлишимиз керак. Бунинг учун эса тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз, сафларимизни етук кадрлар билан бойитиб боришимиз талаб этилади.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг ўтган даври мубайнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Мафқуравий, ташкилий-партиявий ва кадрлар, ёшлар масалалари, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўналишлари бўйича кўплаб амалий ишлар қилинди. Вилоят Кенгаши томонидан 400 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар ва ёшлар форумлари ўтказилди. Хусусан, мафқуравий ва маънавий йўналишда партия дастурида назарда тутилган буюк алломуларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, халқимизнинг миллий кадрларини асраш, аҳолини, айниқса ёшларни "оммавий маданият" ниқобидаги турли маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларни вақт-вақтидан қўллаб-қувватлаш, миллий ғояга содиқлик руҳида баркамол этиб вояга етказиш, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларини умуммиллий гуруҳ ҳамда эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлаш, миллий байрамларимизни кенг нишонлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилди.

— ЎЗМТДП Наманган вилоят Кенгаши томонидан Юрбосимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-

тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" ҳамда 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Мазкур Концепция чин маънода Ватанимизнинг кейинги истиқболли, халқимиз фаровонлигининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Zero, жойларда мазкур Концепциянинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб, унда таъкидланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ишларида фаоллиқни кузатиш мумкин. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши томонидан ҳам қатор самарали тадбирлар, давра сўхбатлари ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида Концепцияда белгиланган устувор вазифалар, баён этилган ғоялар, илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ва мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлини белгилаб берувчи устувор йўналишларнинг бугунги кун учун нақадар долзарб аҳамиятга эга эканига қаратилган анжуман, конференция, ўқув-семинар, давра сўхбатлари ўтказиб келинаётгани фикримиз тасдиғидир.

Уларда Концепцияда илгари

мол ва экспорт ўсишини таъминлаш, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини қайта тиклаш, соҳа ривожини унун зарур ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириб бориш стратегик мақсад сифатида белгиланган.

Шу нуқтаи-назардан, депутатлар, партия аъзолари мунтазам равишда вилоятимиз ҳудудида фаолият олиб бораётган кичик бизнес эгалари, хусусий тадбиркорлар, миллий хунармандлар билан очик мулоқотлар олиб бориладиган чуқур ўрганиб, унда таъкидланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ишларида фаоллиқни кузатиш мумкин. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши томонидан ҳам қатор самарали тадбирлар, давра сўхбатлари ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида Концепцияда белгиланган устувор вазифалар, баён этилган ғоялар, илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ва мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлини белгилаб берувчи устувор йўналишларнинг бугунги кун учун нақадар долзарб аҳамиятга эга эканига қаратилган анжуман, конференция, ўқув-семинар, давра сўхбатлари ўтказиб келинаётгани фикримиз тасдиғидир.

Уларда Концепцияда илгари

Шу нуқтаи-назардан, депутатлар, партия аъзолари мунтазам равишда вилоятимиз ҳудудида фаолият олиб бораётган кичик бизнес эгалари, хусусий тадбиркорлар, миллий хунармандлар билан очик мулоқотлар олиб бориладиган чуқур ўрганиб, унда таъкидланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ишларида фаоллиқни кузатиш мумкин. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши томонидан ҳам қатор самарали тадбирлар, давра сўхбатлари ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида Концепцияда белгиланган устувор вазифалар, баён этилган ғоялар, илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ва мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлини белгилаб берувчи устувор йўналишларнинг бугунги кун учун нақадар долзарб аҳамиятга эга эканига қаратилган анжуман, конференция, ўқув-семинар, давра сўхбатлари ўтказиб келинаётгани фикримиз тасдиғидир.

сурилган қонун ташаббускорликлари юзасидан чиқишлар уюштирилиб, фуқаролар қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор қилинмоқда. Шу билан бирга партиянинг вилоят Кенгаши томонидан Концепцияда белгилаб берилган қоидаларни амалга ошириш юзасидан жорий йил ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастур ва режалар ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда фаолият олиб боришмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Сайловолди Платформасида миллий ишлаб чиқарувчилар, хусусан, хунармандлар, касаначилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, миллий бизнеснинг жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш жойлари яратиш, ички истеъ-

моли ва экспорт ўсишини таъминлаш, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини қайта тиклаш, соҳа ривожини унун зарур ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириб бориш стратегик мақсад сифатида белгиланган.

Шу нуқтаи-назардан, депутатлар, партия аъзолари мунтазам равишда вилоятимиз ҳудудида фаолият олиб бораётган кичик бизнес эгалари, хусусий тадбиркорлар, миллий хунармандлар билан очик мулоқотлар олиб бориладиган чуқур ўрганиб, унда таъкидланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ишларида фаоллиқни кузатиш мумкин. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши томонидан ҳам қатор самарали тадбирлар, давра сўхбатлари ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида Концепцияда белгиланган устувор вазифалар, баён этилган ғоялар, илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ва мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлини белгилаб берувчи устувор йўналишларнинг бугунги кун учун нақадар долзарб аҳамиятга эга эканига қаратилган анжуман, конференция, ўқув-семинар, давра сўхбатлари ўтказиб келинаётгани фикримиз тасдиғидир.

Уларда Концепцияда илгари

нида бир қатор ишлар амалга оширилди. Депутатлик гуруҳи аъзолари жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳудудлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалдаги қонунларнинг қай даражада ижро этилаётганини устидан қатъий депутатлик назоратини ўрнаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнларидаги сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, онгу тафаккурини юксалтириш, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, Ватан тараққиётига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончини орттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Депутатлик гуруҳи аъзолари ўзлари сайланган округлар ҳудудидаги маҳаллаларда "Кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилаётгани, уларга миллий хунармандчилик ва касаначилиқни ривожлантириш ҳамда иш ўринлари яратиш бўйича амалий тавсиялар бериб келишмоқда. Хусусан, 42-Ёркатай сайлов округи ҳудудида жойлашган "Сан Сар Файз" МЧЖ ва "А.Шерматов" МЧЖ га қарашли ишт-ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, электр ва табиий газ ресурсларини сарфини тежаш ҳисобида маҳсулот таннарини арзонлаштириш бўйича модернизация қилиш қўзда тутилган бўлиб, ушбу режа талаблар даражасида бажарилиши ва корхонани тўла қувват билан ишлаши натижасида пировард кўрсаткичлар яхшилини бормоқда.

— Маълумки, ЎЗМТДПнинг ҳар бир ташкилотда ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш амалиёти шаклланимоқда. Партия вилоят Кенгаши бу борада қандай ҳолатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Дунёни манфаатлар бошқарётган ҳозирги мураккаб шароитда ҳар биримиз жамиятнинг фаол аъзоси сифатида юртимизга, бизга бўлаётган турли кўринишлардаги хуружларга хушёр ва оғоҳ туришимиз лозим. Бунинг учун юз бериётган воқеа-ҳодисаларга тейран кўз, ҳолис нигоҳ билан баҳо бера олиш, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш учун халқаро миқёсда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимо хабардор бўлиб боришимиз зарур.

Агар ушбу йўналишдаги фаолиятимизни танқидий ва таҳли-

лий назардан баҳолайдиган бўлсак, бу жараёнда партиянинг Чуст, Норин туман Кенгашилари томонидан суствашликка йўл қўйилаётганлигини кузатиш мумкин.

Шу ўринда ўтган вилоят Кенгашининг Пленумида ҳам тадбирлар ўтказиш борасида партия ташкилотлари фаолиятига тегишлилик баҳо берилган ва қонунчилик фаолият олиб бораган партия ташкилотларига тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилган эди. Афсуски, ушбу партия ташкилотлари тегишли хулоса чиқармасдан такрорий равишда жиддий хато ва суствашликларга йўл қўйишмоқда. Уйлаймизки, суствашликка йўл қўйган туман Кенгашилари тез орада камчиликларини бартараф этиб, самарали фаолиятга киришадилар.

Сўхбатдош:
Эргаш ХУЖАЕВ,
"Millyiy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

КАДРИЯТ



халқ оғзаки ижоди намуналари ҳатто ўзбек эстрада хонандлари томонидан ҳам ижро этилмакда, сайқаланиб, янги кўриниш касб этиб халқимиз қалби тўридан муносиб ўрин эгалламокда. Бундай тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, туганмас маънавий бойликларимизни қайта кашф этиш ва тиклаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланиши зарур.

Бибисора РАДЖАБОВА, Байналминал маданият маркази қошидаги туркман миллий маданий маркази вакили:

—Бошқа миллатлардаги каби туркман алласининг ҳам ўзига хос хислатлари бор. Бунга она сифатида 4 фарзанд, ўндан ортиқ набириани воёга етказиш

қўшиқдир. Унинг ижодкорлари ҳам, ижрочилари ҳам асосан оналардир.

Фарзандининг туғилиши она ва оила учун энг ширин бахт, беқиёс фароғатдир. Чақалогини бағрига олган онанинг меҳри энг қайноқ, кўллари энг майин, эркашлари энг тотли, алласи эса сөхридир. Суоқли фарзанд онанинг бу сөхри кўшигини тинглаб ором олиш билан бирга меҳру садоқат сабогини, ахлоқий ўғитларни ҳам дилига жо қиладди. Алла кўшиги ижро этилаётганда сокин куй, қўйма сатрлар, онанинг малоҳатли ҳаракатлари, эркаловчи кўллари, ҳиссиётга тўла овози, меҳрибон нигоҳи бир бутун ҳолда жамланиб, муқаддас қудрат касб этувчи мўъжизага айлангандек бўлади. Аллаларнинг халқ орасида аср-

Аёл маънавияти

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти", Республика Байналминал маданият маркази, "Алла уйи" маданий-маърифий маркази ҳамда "Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати" Республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида "Аёллар маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омили" шиори остида турли миллат вакилларининг "Алла" фестивали ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, Байналминал маданият маркази қошидаги турли миллат вакилларининг бадиий фольклор ижодиёти гуруҳлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

—Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Она тилидаги меҳр муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонидан илдиз отади", - дейди ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова. — Мамлакатимизда истиқомат қилган 70 дан ортиқ миллат ва элатларнинг эътиқоди, дунёқараш, қадрият, урф-одатларини ҳурмат қилиш ва ўрганишда мазкур анжуман муҳим ўрин тўпти асосий мақсад қилиб олинган. Алла қайси тилда ижро этилишидан қатъий назар ёш авлодни ватанпарварлик, халқига содиқлик, қонининг бўлиб боёга етишига хизмат қилади. Дунё миқёсида глобаллашув жараёни кечаётган, мафкуравий кураш авж олган бир даврда маънавий, маданий меросимиз аҳоли, айниқса, хотин-қизларда мафкуравий иммунитетни кучайтиришда муҳим омил бўла олади. Алланинг маънавий, маъри-

фий ва тарбиявий таъсир кучидан ёш оилалар барқарорлигини шакллантиришда восита сифатида фойдаланиш зарур. Унинг аҳамиятини ҳар бир ёш онага, балоғат ёшидаги қизларга етказиш, тарғиб қилиш асосий мақсадларимиздан саналади.

Анжуманда бот-бот таъкидланганидек, аҳоли, айниқса, ёшларда эътиқод, билим, ватанпарварлик, фидоийлик, ҳалқи ва юртига содиқлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик каби фазилатлар қадимий удумларимиз, қадрият, анъана, урф-одатларимиз, маданият ва санъатимиз, фольклор ва халқ оғзаки ижодиётининг ноёб ва ранг-баранг намуналари таъсир ва замирида шаклланди. Бунинг учун уй бекалари, хомиладор аёллар, ёш келинчақлар ва қизлар орасида тушунтириш-тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш лозим.

Тадбирда озарбойжон, турк, тожик, туркман, қозоқ, поляк, бошқирд каби 12 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг иштироки таъкидланган. Қолаверса, хотин-қизларимизнинг билими, маънавий, маърифий дунёқарашини бойитишга хизмат қилиши билан ҳам эътиборлидир.

Мавлуда АЛИМОВА, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилди. Шу қаторда халқимизнинг маънавий-маърифий дунёқарашини янада юксалтириш, бой тарихий меросини аср ҳолига ўрганиш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни тиклаш, ривожлантириш ва уларни жажон миқёсида тарғиб қилиш борасида катта ишлар қилинмокда. Хусусан, 2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурининг



қабул қилиниши халқимизнинг азалий қадрият, урф-одатлари, санъати ва маданиятини янада юқори босқичга олиб чиқишга ва келгуси авлодга асл ҳолига етказишга хизмат қилмокда. Мазкур тадбир ҳам ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган бўлиб, бой маънавий мерос дурдоналарини тўплаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда асосий омил сифатида муҳим ўрин тутди. Қолаверса, хотин-қизларимизнинг билими, маънавий, маърифий дунёқарашини бойитишга хизмат қилиши билан ҳам эътиборлидир.

Раъно РЎЗИКУЛОВА, ЎЗМТДП аъзоси:

— Мазкур фестивални мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланган йилда ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно мавжуд. Дарҳақиқат, истиқлолнинг ўтган йигирма йили мобайнида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз тикланди, кадр топди. Қолаверса, миллий маданиятимиз, санъатимиз жаҳон миқёсида юксак чўққиларни забт этмокда. Айниқса, халқ ижодиётига, фольклор жанрига эътибор ошди. Бугунги кунда

асносида амин бўлдим. Она қайси миллат вакили бўлишига қарамай, алласига бор меҳрини бериб ва кўшиб айтади. Сўзлари ўша онда она қалбидан булоқ янглиғ сизиб ва қайнаб чиқади. Аёл қалби ва руҳи пок, дунёқараш кенг бўлса, алла янада сөхри, жозибали ва оромбахш таралади. Агар алланинг сўзларига маъно-маъмуни ва оҳангига эътибор қаратган бўлсангиз, унда ўша ўлканинг тоғ-дарёлари, ота-боболарнинг ўғитлари, халқнинг орзуумидлари, армонлари, бир сўз билан айтганда, миллат руҳи акс топган бўлади. Алла айни шу маънода чинакам миллат ва халқ кўшиғидир.

Мунаввара ЁҚУББЕКОВА, "Алла уйи" маданий-маърифий маркази директори:

— Халқ аллалари инсон маънавиятини шакллантирувчи, мивти гўдакнинг қалбиде эзгулик ва меҳру муҳаббат сарчашмаларини ҳосил қилувчи даст-макта восита сифатида қадимдан айтилиб келинган. Алла чақалоқ дунёга келиши билан улаб суйиш ва эркалаш, ардоқлаб ором олдириш, яқин кишилари, макон ва замон билан таънаштириш учун айтиладиган

лар давомида яшаб келаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Фестиваль лойиҳаси доирасида иккита китобча нашр этдик. Бири — Ўзбек халқ аллалари намуналари ва уларнинг рус тилига таржимасини ўз ичига олган "Алла — жоннинг роҳати" — Колыбельная — души отрада" деб номланган икки тилли китобча бўлса, иккинчиси озарбойжон халқ аллалари намуналарининг 3 тилдаги матнидан иборат «Laylasi sheker balam, Allasi shakar bolam, Kolylbelynaya, kak sahar» тўпламидир. Биз "Халқ аллалари" туркумидаги китобчаларни чоп этишда давом этамиз. Ҳозирги кунда кримтар ва немис аллалари китоблари нашр учун тайёр ҳолга келтирилди. Албатта, бизга бу борада хомий ва ҳамкорлар ёрдами зарур бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг бу борадаги ишларимизни мунтазам қўллаб-қувватлаб келаётган "O'zavto-sanoat" акциядорлик жамияти, «Avtosaninvestsavdo» масъулияти чекланган жамияти, айниқса, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига миннатдорлигимизни билдирмокчи эдик.

Эргаш САМАДОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Дастурий мақсад ва вазифаларимиз

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎЗМТДП Шўманой тумани Кенгаши томонидан "Оила муносабатларида миллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" фаоллари, ЎЗМТДП дан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда "Қамолот" ЁИХ туман Кенгаши бўлими ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ЎЗМТДП Шўманой тумани Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари А.Палуаниязов фарзанд тарбиясида маҳалла ва оила муносабатларини мустаҳкамлаш, ёшлар онгига миллий қадрият, анъана, урф-одатларимизга ҳурмат ҳиссини сингдириш, ватанпарвар, халқига садоқатли инсон бўлиб ўлгайишларига кўмаклашиш зарурлиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда, мамлакатимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй бекаларини миллий хунармандчилик, касаначиликка жалб этишга кўмаклашиш муҳимлиги борасидаги фикр-мулоҳазалар ҳам атрафлича муҳокама этилди.

САМАРҚАНД

— Замонамиз шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ўсиб келаётган ёш авлодни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг асосий мақсадимиздир, - деди ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси хотин-қизлар масалалари бўйича раис ўринбосари Х.Маҳамова. ЎЗМТДП Самарқанд шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган "Биз учун ягона ва устувор мақсад — Ўзбекистон манфаати" мавзусидаги тадбирда. Мазкур тадбир партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим, касб-ҳунарга мутахассисликларни эгаллашларига рағбатлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш, шунингдек, маънавий-ахлоқий таъсирдан муҳофаза қилишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Унда партия шаҳар Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" етакчилари, партия аъзолари, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Самарқанд болалар тиш поликлиникаси жамоаси ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда, шунингдек, партиянинг шаҳар Кенгаши фаолияти таҳлилий танқид қилиниб, бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида тегишли тавсиялар берилди.

ФАРҒОНА

ЎЗМТДП Тошлоқ туман Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ўтган йил 12 ноябрда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номили маърузасида белгиланган вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда сўзга чиққан ЎЗМТДП Тошлоқ туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ф.Эшматов ҳамда бир қатор нотиклар Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган устувор вазифалар, мамлакатимизда иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб олиш билан боғлиқ муаммо ва ечимлар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда ЎЗМТДП туман Кенгаши аъзолари, партиянинг "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" етакчилари, ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутатлари, Ёшлар ижодиёт хизмати маркази фаоллари иштирок этди.

Ўз муҳбиримиз

ТАДБИР

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида босқичма-босқич кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Бу жараёнларда аҳоли турли қатламларининг қарашлари, манфаат ва мақсадларини таъминлашда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутмокда. Сиёсий партияларнинг ривожланиши ўз навбатида мамлакат ҳаётида содир бўлаётган ислохотлар, янгилаш ва ўзгаришлар, турли ижтимоий қатламлар хоҳиш-истаги, интилиш ҳамда манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтда "Фуқаролик жамиятининг шаклланиши: парламент ва сиёсий партияларнинг роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик Ҳаракати ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демокра-

тик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номили маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда қонунчилик ва маҳаллий вакиллик органлари, депутатлик гуруҳлари, сиёсий партияларнинг жойлардаги тузилмалари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг ролини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

—Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмокда, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi амалдаги қонунлар мониторинг

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

ги институти бўлими бошлиғи М.Мироқилов. — Мазкур Концепцияга мувофиқ жорий йилнинг апрель ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98 моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сиёсий партиялар зиммасига қатор вазифа ва ваколатлар юклади. Қонунга мувофиқ ҳукумат раҳбари номзодини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, қонунда "Ишонсизлик вотуми" билдириш жорий қилинди. Бу механизм ривожланган мамлакатлар қонунчилигида қўлланилиб келинади ҳамда халқ вакиллиги органи — парламентнинг ижро ҳокимияти устидан назоратнинг энг демократик

усулларидан саналади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияси воқеасида ижро ҳокимияти устидан "парламент назорати" олиб боришнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмокда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Концепцияда белгилаб берилган йўналишларнинг асл моҳияти жойларда тарғиб этиш бўйича ахборот-тушунтириш ишларини тизимли олиб бориш натижасида ҳар бир фуқаро онги ва шуурига етиб бормокда. Жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгилаш жараёнлари фуқаролик жамияти ва унинг барча институтлари сая-ҳаракатини бирлаштирадиган ягона кучга айланди. Инчунун, иқтидорли ёшларга, ўсиб келаётган ёш авлодга алоҳида эътибор қаратилмокда. Зеро, улар ислохотларнинг халқ қилувчи кучи ва мамлакатимиз келажагидир.

Сиёсий партиялар, уларнинг ҳудудий ташкилотлари, Олий

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ



Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари, маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан Концепцияда курсатилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган иш режаси ва ҳаракат дастури тузилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш-

да депутатлар, сиёсий партияларнинг кўп сонли фаоллари, қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этмокдалар. Марказда ва жойларда Концепцияда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган тур-

ли анжуман, давра суҳбати ва семинарлар ўтказилмокда.

Давра суҳбати якунида мавзу юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди ҳамда иштирокчилар орасида ижтимоий сўров ўтказилди.

Э.ХУҲАЕВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримов Навоий шаҳрида улуг Навоийга ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидан шундай ёрқин фикрларни билдирган эди: «Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёниси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум этган ўлмас сўз санъаткоридир... Она тилига муҳаббат, уни улуглаш, бекиб бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг тафаккуримизга, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келган».

Она тилимиз бой, сержило ва гўзал тил эканлига ҳеч ҳам шубҳа йўқ. У асрлар оша сайқал топиб келмоқда. Улуг бобомиз Алишер Навоий бошқа тилларни камситмаган ҳолда, ўзбек тилининг нақадар бой тил эканлигини кўрсатиб берганликлари ва шоҳ асарлари билан буни исботлаганликлари катта ибратдир.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг мероси, ўзбек тили ва адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси, бадий маҳорати, тилдан фойдаланишдаги ўзига хослиги ҳақида адабиётшунос, тилшунос олимлар кўп ва ҳўб ёзишган. Навоийнинг бой мероси ва навоийшунослик соҳасидаги илмий, ўқув манбаларини чуқур ўрганиш ва улардан кенг фойдаланиш кундалик вазифарларимиздан бўлиб қолмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида улуг шоиримиз сўзларининг қадри яна баян, тобора юксак бўлиб бормоқда.

Миллий бойлик

АЛИШЕР НАВОЙИЙ МЕРОСИ ВА ДАВЛАТ ТИЛИ МАВҚЕИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни ижросини таъминлаши ўзбек тилининг мавқеини янада ошириб, унинг тарихий сарчашмаларидан фойдаланиб, гўзаллигини сақлаб қолиши ва бойлигини янада ёрқин намоён этиши учун катта имкониятлар яратди. Энг бой ва боқий сарчашмалардан бири буюк мутафаккир ва улуг шоир, йирик тилшунос олим Алишер Навоий меросидир.

«Хазойин-ул маоний», «Хамса», «Муҳокамат-ул лугатайн», «Маҳбуб-ул қулуб» каби шоҳ асарлар она тилимиздан моҳирона фойдаланишнинг ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Алишер Навоий «Муҳокамат-ул лугатайн» асариди сўзининг қудратига юксак баҳо бериб, сўзининг қадри нақадар баландлигини алоҳида таъкидлайди: «...сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир, кўнгил шундай бир ўрин бўлиб, унда майда ва йирик маънолар тўплангандир. Бу шунга ўхшайдики, гавҳар дарёдан гаввос воситасида чиқарилади. Сўз дури ҳам кўнгилдан сўзга чечан киши воситаси билан нутқ шарафига эришади, унинг қиймати ҳам ўзининг даражасига қараб шуҳрат қозонади ва ҳамма ёққа ёйилади. Нечунки, гавҳар қиймат юзасидан жуда кўп даражаларга бўлинади, ҳатто бир дирамдан юз тумангача деса бўлади».

Буюк шоир она тилимиздаги сўзлар хусусида тақрор-тақрор фикр юритиб, сўзни дурга қийслайди, унинг маънолари чексиз ва мавқеи ниҳоятда тенгсиз эканлигини исботлаб беради. У сўз ҳақида шундай ёзади: «сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздирлар. Мартабаси — ёмон сўзнинг ҳалок қилувчанлигидан тортиб, яхши сўз билан Исонинг мўъжиза кўрсатишигача боради. Сўзнинг турлари шунчалик кўпки, уйлаш ва тасвирлаб киши мумкин эмас. Агар муболага қилмасдан, юзак баён қилинса ва қисқалик билан ёзиб чиқилса, етмиш икки нава бўлиб, етмиш икки хил халқнинг сўзига айланишида ҳеч бир сўз йўқ, лекин мундин ҳам кўпдир».

Алишер Навоий сўзнинг қудрати ҳақида тўхталиб, у инсон учун зарур қурол ва манба эканлигини баён этади. Масалан: **Донау дур сўзини афсона бил, Сўзни жаҳон бағрида дурдона бил.** Ёки: **Сўз қотиғи эл кўнглига озор айлар, Юмшоғи кўнглиларни гирифтор айлар.** Она тилимизнинг бойлиги,

қудратини юксак баҳолаган шоир «Муҳокамат-ул лугатайн» асариди унинг фазилатларини ниҳоятда чиройли тасвирлаб беради. Тилимиздаги сўзларни юлдузларга ўхшатиш билан уларнинг ниҳоятда кўплиги, хилма-хиллиги ва бир-бирига ўхшамаслигини акс эттиради.

Тилдаги сўзларни чаманзордаги гулларга ўхшатиш билан сўзларнинг ўзига хос маъно, мазмуни эгаллиги назарда тутилади. Гул инсонни ўзига маҳлиё қилади, эътиборини тортади, уни қувонтиради, тилдаги сўзлар ҳам ана шундай фазилатга эга.

Киши сўзлашдан олдин сўзларни танлайди, уларни саралаб, зарурини, маъқулини ишлатади. Ҳар бир сўзни ишлатганда ҳам бошқаларга озор етказмасдан, маъносини ҳисобга олиб қўллади. Тилдаги сўзлар инсоннинг энг нозик туйғуларини ифодалаш билан бирга кишининг ҳиссиётига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун сўзнинг қудратидан бошқаларга озор бериш учун эмас, уларни руҳлантириш учун моҳирона фойдаланиш зарур.

Сўз хусусида намуналар:

Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур, Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

Сўзда, Навоий не десанг, чин дегил, Рост наво нағмага таҳсин дегил.

Ҳам сўз ила элга ўлмидин нажот, Ҳам сўз ила топик ўлук тан ҳаёт.

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур, Гулшани одам самари сўз дурур. («Ҳайрат-ул аброр»дан).

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» (Тошкент, 1983) асариди нутқнинг жуда кўп фазилат ва хислатларини алоҳида қайд этади. Асарнинг учинчи қисмида турли фойдали маънолар беради ва мақолларни келтиради. Уларни «танбуйлар», «деб-ном-лайди. 118 танбуйдан 20 га яқини бевосита нутқ маданияти ва сўз қудрати тўғрисида.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асариди таъкидланганидек, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ҳозирги мавқеи ниҳоятда юксак. Яъни «1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилиб, мустақамлаб кўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тинимолларидан бирига айланади».

Ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди... Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келатган бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур».

Алишер Навоий меросининг боқийлиги шундаки, у бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаганлиги, жамиятда тилнинг ижтимоий мавқеи ошиши унинг тараққиётига хизмат қилиб, кишиларнинг энг эзгу мақсадлар сари руҳлантиришдаги роли юксак бўлишига муносиб ҳисса қўшиши учун ўзига хос йўлланма — ўғит сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қуйидаги танбуйлар бунинг исботидир:

«Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз. ...Тили ёмон одам — халқ кўнглини жараҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказди. ...Ушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади; кўнглига тушиши мумкин бўлган юз ғам — унинг сўзи билан дафъ бўлади. Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун айтадиларки: «нафаснинг жони бор...». Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса яна яхши. Тил билан дил — инсондаги энг яхши аъзолардир... Тил — шунча шарафи билан нутқнинг қуролдир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса — тилнинг офатидир».

Юртбошимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асариди алоҳида қайд этганидек, «Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу ҳақда сўз юритганда, бобомиз Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз» деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз». Ҳазрат Алишер Навоий фикрларининг бугунги кун учун аҳамияти ва унинг Президентимиз томонидан янада бойитилганлиги она тилимизга янада эътиборли бўлишга ундайди. Афсуски, тилга эътибор соҳасида айрим муаммолар ҳамон мавжуд.

Маълумки, кино санъати кишилар онига таъсир қиладиган энг оммавий санъат турларидан биридир. Кино санъати ва санъатнинг ютуқ ҳамда камчиликлари таҳлил қилиш алоҳида мавзу. Таҳлиллар шунки кўрсатадики, кейинги пайтларда яратилаётган кўплаб киноларда ёшлар мулоқот маданиятига таъсир қиладиган айрим салбий ҳолатларни кузатиш мумкин.

Фарб фильмларида кўплаб учрайдиган бақриш-чақиришлар, ур-йиқитлар, ҳақорат қилишлар бизнинг айрим фильмларимизда ҳам учрамоқда. Яна бир эътиборли ҳолат фильм қаҳрамонлари нутқида русча сўзларни ноўрин қўллаш, шевачиликка берилиш кўплаб кузатишмоқда. Ма-

салан, «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» номли кинонинг қишлоқ ҳаётига болгликлиги аён, лекин унда «**братамъ**» сўзининг ноўрин ишлатилиши, «**борларинг, қурованм, бўтта**» каби шевада талаффуз этилиши ёки қизбола-нинг ўзини тилларига «**ишларингни қилсаларинг ўласанларми?**», «**йўқол кўзимдан**» каби кўпол оҳангдаги муомаласини кўриш мумкин.

«**Етти ҳайкал, битта кал**» фильмида эса қаҳрамон нутқида **юрагим слабий, так что, ладно, хочеш, импортний, криминал йўқ, слушай, подводит қилдинг** кабиларнинг ноўрин ишлатилиши ёшлар нутқида салбий таъсир қилмасдан қолмайди.

Кўплаб фильмларнинг номлари уларнинг мазмунига, савиясига мос бўлиб тушган. Лекин «**Келгинди келин**», «**Келгинди кўв**» каби номларнинг қўйилиши маълум эътирозларга сабаб бўлади.

Телекўрсатув ва радио эшитиришларнинг айримларида шевачиликка берилиш кўпайиб бормоқда. Зиёлиларнинг, айниқса, раҳбар ходимларнинг оммавий ахборот воситалари орқали шевачиликка берилиши баъзи ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Кино асарларидаги айрим кўпол муомала лавҳаларининг меъёрдан ошиши ёшлар муомала маданиятига салбий таъсир этиши мумкин.

Буюк бобомиз Навоий мероси ўзига хос ижод, маҳорат булоғидир. Бу булоқдан маҳорат билан фойдаланиш, унинг гўзаллигини ёзма ва оғзаки нутқимизда намоён эта олиш, бой имкониятларини юзага чиқариш, нутқ маданиятига эътибор бериш асосий вазифарлардандир. Демак, ҳар биримиз юқори тил маънавияти ва нутқ маданиятини эгаллаш, саводхон, маҳоратли ва нотик бўлиш, таъсирчан ёзиш ва гапира олиш учун Алишер Навоий меросини чуқур ўрганишимиз ва ўргатишимиз зарур. Баркамол авлоднинг ҳар томонлама тарбиясида ҳам энг муҳим манбалардан бири Ҳазрат Навоий меросидир. Зеро, давлат тили ҳақидаги қонуннинг талаби ҳам шу — ўзбек тилининг мавқеини янада юқори кўтариш билан унинг ҳам юртимизда, ҳам дунё миқёсига обрў-эътиборини янада юксакликка кўтариш, аждодлар аънасанасига содиқ қолиб, унинг гўзаллигини кенг намоёйиш қилиш, бойитиб бориш, юқори нутқ маданияти ва маҳоратига эришидир.

Абдували АБДУСАИДОВ, Самарқанд Давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор

МАЪНАВИЯТ

● САЙЁҲЛИК



Ипак йўлида туризм

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМА МАЖМУАСИДА АНЪАНАВИЙ XVII ХАЛҚАРО ТУРИСТИК ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

«Ўзбектуризм» миллий компанияси, «TNT Экспр» кўрғазма компанияси ҳамда «Буюк ипак йўли» реклама агентлиги ташаббуси билан ўтказилган ярмарка Марказий Осиёда йилнинг энг йирик туристик воқеасига айланди, десак муболага бўлмайди.

Анъанага кўра, карнай-сурнай садолари остида очилган халқаро ярмарка нафақат юртдошларимизни, балки хорижий меҳмонларни ҳам хушнуд этди.

Мазкур халқаро ярмарка БМТ Жаҳон туристик ташкилотининг (ЮНВТО) ҳомийлигида ўтказилган туризм соҳасидаги энг муҳим халқаро тадбирлар рўйхатида киритилган.

Тадбирда сўзга чиққан БМТ Жаҳон туристик ташкилотининг Ижрочи директори Золтан Шо-моги, ушбу халқаро ярмарка туристик сектор кучи ва ҳаётий қобилиятининг ажойиб мисоли бўлиб, туристик индустриянинг барча жиҳатларини бирлаштирган глобал тугундир, деди.

ЮНВТОга қўшилган аъзолар директори Хавьер Бланко ва дастурлар мувофиқлаштирувчиси Дмитрий Ильин ушбу йўналишда соҳани ривожлантириш тамойиллари тўғрисида гапирди.

Шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Франция Республикасининг Савдо, хунармандчилик, янги ва ўрточа корхоналар, туризм ва хизматлар масалалари, касблар ва истеъмол ишлари бўйича давлат қотибати ўртасида ўзаро тушуниш меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат мам-

лакатлар ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга, иккала йўналишда сайёҳлар оқимини кўпайтиришга ёрдам беради.

Анъанага кўра, «Туризм ва экскурсия ишининг олтин фонди», «Ўзбекистон ўқув юрталарининг битирувчиларини ишга жойлашда фаол иштироки учун», «Туризм соҳасида энг яхши устоз-мураббий — 2011» номинациялари бўйича «Яхшиларнинг энг яхшиси» мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган «матбуот анжуманида «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Рустам Мирзаев юртимизга келатган хорижий сайёҳларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Мазкур туристик анжуманда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган 500 дан зиёд хорижий туристик компания ва 100 га яқин хорижий журналистлар қатнашди.

«Халқаро павильон» «Ипак йўли» ягона бренди билан бог-

ланган мамлакатлар билан туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва ҳамкорликни мустақамлашда марфаатдор бўлган хорижий туристик компанияларнинг стендларини бирлаштирди.

«Ўзбекистон Миллий павильон»ида юртимизнинг барча вилоятларидан келган хунармандлар ўз маҳсулотларини таништириш баробарида, музейлар, меҳмонхоналар ҳамда дам олиш индустрияси корхоналари маҳаллий туризмнинг янада ривожланиб бораётганини намоёйиш этишди.

«ТХТЯ — 2011» иштирокчилари ва меҳмонлари ўзбек халқи маданиятининг ўзига хос хусу-

миз. Натижалар кўнгилдагидек. Қарангки, бу йилги ярмаркага ўтган йилгидан кўпроқ хорижий компаниялар ташриф буюрган. Демак, юртимизга уларнинг қизиқиши катта.

Хабидулла ХАЛИЛОВ, «Ўзбектуризм» МК Навоий вилоятининг «Саёҳат ва экскурсиялар бюроси» давлат корхонасининг хорижий сайёҳлар билан ишлаш бўлими бошлиғи:

— Бугунги халқаро туристик ярмарканинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад юртимиздаги туризм имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, халқаро алоқаларни янги погонларга олиб чиқилган иборат. Ўзбекистонда туризм тармоғини ривожлантириш учун барча шароитлар етарли. Мазкур ярмаркада биз Навоий вилоятдан тарихий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар, бетакрор табиат ман-



сиятлари билан ҳам танишдилар. 5000 квадрат метрга яқин майдондаги каттагина экспозиция туристик бозорнинг бутун таркибини намоёйиш этиш имконини берди. Меҳмонлар «Миллий ошона», «Хунармандлар шаҳри», «Шарқ бозори» экспозицияларида миллий ўзбек таомларини тайёрлаш сирларини кўриб бўлишди. Хусусан, ўзбек санъаткорларининг концерти ҳамда «Ўзбек энгил санъати» ДАК хузуридаги «Дизайн маркази» томонидан ўтказилган модалар кўниги барчага бирдек завқ бағишлади.

ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР:

Кристина ЛОНИТСКАЯ (Испания):

— Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга қизиқишимиз катта. Насиб қилса, бу заминга кўплаб сайёҳларни жалб қилиш ниятидамыз. Ярмаркадан олган таассуротларга келсак, бу ҳақда узоқ гапириш мумкин. Албатта, ватанимга қайтган, ўз яқинларимга ҳўқя қилиб бераман.

Махмуд БОБОЁРОВ, Самарқанд давлат кўриқхонаси бош директори:

— Мазкур халқаро ярмаркада Самарқанд давлат кўриқхонаси, вилоятнинг барча музейлари ҳақида маълумотлар берувчи экспозициялар билан иштирок этдик. Ўтган йили ҳам шу ярмаркада иштирок этган-

заралари ҳақида сайёҳларга етарли маълумот бердик.

— Кўкон шаҳрида XIX асрга оид меъморий ёдгорликлар ниҳоятда кўп, - дейди Дилия Мирзобоева. — Улардан Худойёхон Урдаси, Жомеъ комплексини айтиш мумкин. Жомеъ комплексида кириш қисмида тарихий обида бўлса, чап томонидан хунармандлар растаси жой олган. Мазкур устaxonада ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, гилачилик, кулолчилик санъати намуналари яратилди. Расталар очилмасидан аввал меҳмонларни ҳар бир устанинг уйига олиб боришимизга тўғри келарди. Ҳозир уларнинг бари бир жойда жамланган. Сайёҳлар тарихий обидани кўриш баробарида усталарнинг иш жараёнини ҳам кузатишга муваффақ бўлишмоқда. Кўқонлик хунармандларнинг ишла-рини кўриб, улар билан яқиндан танишишмоқда. Яна бир энг яхши қулайликлардан бири, Кўқон шаҳрида меҳмонхона очилгани бўлди. Ушбу меҳмонхонада барча замонавий шарт-шароитлар яратилгани хорижий сайёҳларни янада хушнуд этмоқда. Чунки, энди сайёҳлар ётоқ излаб Кўқон шаҳридан чиқмайди. Қолаверса, улар шаҳарни узоқ вақт айланиб, шу ернинг ўзида ҳордиқ олиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

● КЎРГАЗМА

Ўзбек хунармандчилиги намоёйиши

Россиянинг Екатеринбург Санъат музейида ўзбек миллий хунармандчилиги намуналари акс этган «Чархпалак — сайёра-миз чамбараги» номли кўрғазма иш бошлади.

Кўрғазма экспозициясида асосан Марказий Осиёнинг энг қадимий ҳамда йирик кулолчилик марказларидан бири — Риштон кулолларининг ижод намуналарини тақдим этилапти. Шунингдек, ўзбек матолари, тўқимачилик маҳсулотлари, бадийи кашта, патдўзи ва зардўзи асосида

тиқилган матолар, бош кийимлар, Бухороча ва Самарқандча нимча, сўзана ва келинлар либоси, миллий ўйинчоқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Тадбир давомида ўзбек халқининг ноёб тўқимачилик маҳсулотлари, яъни миллий сўзана ва дўппилар, гарбий Европада илк мартабада экспозицияга қўйилган XIX асрга оид Бухоро амрининг тўни ва Бухоро санъат музейи тўпламидан олинган салла намоёйиш этилди.

Кўрғазмада юртимизнинг ноёб маданий мероси, хусусан, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг ўзига хос қадимий обидалари, масжиду

мақбаралари ҳақида кенг маълумотлар берилди. Айтиш жоизки, Самарқанд, Бухоро, Кўқон ва Тошкент шаҳарлари ўзбек санъатининг маркази ҳисобланади. Бу ерда жаҳонга донғи кетган каштачилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва мисгарлик, кулолчилик сингари санъат йўналишлари ҳамма вақтларда гуллаб-яшнаганлиги ёрқин акс эттирилган.

Шунингдек, кўрғазмада машҳур расомлар Максим Костин ва Артем Черновларнинг ижод намуналари тақдим этилди. 4 декабрдан давом этадиган кўрғазмада шарқ услубидаги модалар намоёйиши ва товарлар ярмаркаси ҳам ўтказилади.

«Туркистон-пресс»

"Йилнинг энг яхши мактаби"

ПЕШКУ ТУМАНИДАГИ 1-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ВИЛОЯТ МИКЁСИДАГИ МАЗКУР ТАНЛОВДА ГОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ



дик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири М.Хожиев. — Ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган бундай эътибор биз ўқитувчи-мураббийларнинг зиммамазга катта масъулият юклайди. Эътироф этиш жоизки, туман халқ таълими тизимида "устоз-шогирд" аънаси йўлга қўйилган. Ана шунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда туман миқёсида дарсдан сўнг 17 минг 125 нафар ўғил-қизга зардушлик, каштачилик, тикувчилик, миллий хунармандчиликнинг сир-асрорлари кунт билан ўргатилмоқда.

Халқимизда ҳалол меҳнат обрў келтиради, деган нақл бор. Ташкилотчи, фидойи муаллима Муҳаббат Абдуллаеванинг таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланган.

— Энг улуг, энг азиз байрамимиз — республика мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирлашди. Бундай юксак мукофот ва эътибор кучимга куч қўшди, янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди, — дейди М.Абдуллаева фахри билан. — Энг қувонарлиси, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами умумтаълим мактабларининг биринчи синфига борган ҳар бир ўғил-қиз хотирасида узок вақт сақланиб қолиши шубҳасиз. Мактаб оstonасига илк қадам қўйган жажжон ўқувчиларга "Мустақиллик дарси"дан аввал Президентимизнинг ўн уч номдаги ўқув курли ва дарсликлардан иборат махсус совғаси тантанали равишда топширилди. Мактабимиздан бу йил 50 нафар ўқувчига ана шундай совғалар берилди.

1-умумий ўрта таълим мактаби Пешку туманидаги 48 та мактаб ичидан энг намунали билим масканларидан ҳисобланади. Унда 474 нафар ўғил-қиз таълим олади. Бухоро вилоятида "Йилнинг энг яхши мактаби" танлови голиби бўлган мазкур таълим-тарбия масканидаги 46 нафар мураббийнинг 8 нафари олий, 3 нафари биринчи, 23 нафари мутахассис ўқитувчи даражасига эга. Ўқитувчиларнинг деярли барчаси илганувчан ва ташаббускор. Шу боис мактаб ўқувчилари туман ва вилоят фан олимпиадаларида юқори ўринларга сазовор бўлмоқдалар. Билим масканида "мактаб — оила — жамоатчилик" тизими йўлга қўйилган.

Мактабда таълим-тарбия, интизом ҳавас қилгулик даражада. Тўрт тарафи дарахлар билан ўралган, турфа байроқчалар, паннолар билан безатилган дарвозада навбатчилар сизни қўлини кўксига қўйиб, ўзбекона лутф билан қарши олишади. Мактаб ҳовлисида анвойи гуллар, мевали дарахларни кўриб, баҳри дилингиз очилади.

Унга шу мактабни тугатган Муҳаббат Абдуллаева раҳбарлик қилади. Муҳаббат опа ўқитувчилар оиласида камол топган, отаси Файзулло ака, онаси Саломат опа бир умр ўқитувчилик қилишган.

Мактаб 22 та тўғарақ, 20 та фан кабинети, махсус жиҳозланган Мониторинг ва "Маънавият ва маърифат" хонаси, спорт майдони, 7277 та китоб фондига эга.

— Мактаб — менинг иккинчи уйим, — дейди Муҳаббат Абдуллаева. — Мактабга келган биринчи куним ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Илк сабоқни биринчи муаллимларим Х.Муродов, З.Айбушев, М.Тошева, Х.Жўраевдан олганман. Ҳаётимни мактабсиз тасаввур қилолмайман. Очиғи, ўқитувчи-мураббийлар бугунгидек эъзозланган эмас. Мустақиллик туфайли ўқитувчи кадр топди, улугланди.

— Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда дунё миқёсида таълимнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўқувчи ёшларни баркамол бўлиб вояга етишлари учун дастуриламал бўлмоқда, — дейди туман халқ таълими мутахассислари фаолиятини мето-

Рашид АСЛОНОВ,
"Пешку овози" газетаси
муҳаррири, Ўзбекистон
Журналистлари ижодий
уюшмаси аъзоси

ТИБИЙ ХИЗМАТ

Соғлиқ — туман бойлик

Мамлакатимизда инсон кадр-қиммати баланд, унинг ҳижолати саломатлиги ҳар бир нарсадан афзал. Физיותרепия бўлимининг аҳил ва иноқ жамоаси халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб бир қатор ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлишганди. Жумладан, беморларнинг тезроқ соғайиши учун бу ерда замонавий асбоб-ускуна ва аппаратлар сонини йилдан-йилга кўпайтиришга эътибор қаратмоқда. Шу йилнинг ўзида 550 минг сўмлик "Лазер-АЛ-101", "Оқим-1", "ВКГ-2095" ёруғлик ваннаси каби аппаратларнинг келтирилиши барчамизнинг қувончига кўнди.



режаси ишлаб чиқилди. Туманмиз аҳолиси ўртасида "Саломатлик кўни" белгиланиб, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича биргина шу йилнинг ўзида 200 дан ортққ давра суҳбати, 60 га яқин учрашув ва мулоқотлар ўтказдик. Шунингдек, бўлимининг олий тоифали массаажчиси Мирзахамдам Собиров, олий тоифали ҳамширалардан Дилрабо Мустақова, Зухра Мережова ва Шоира Курбановалар "Массааж усуллари билан ўқалаб даволаш", "Ёшлар — соғлом турмуш тарзини танлайди", "Оғир беморларни парвариш қилиш ҳақида", "Ҳамшираларнинг этика ва деонтологияси" каби мавзудий маърузалари билан қатнашиб, тинловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тиниб-тинчимас ҳамшираларимиз тажрибали шифокорлар билан ҳамкорликда малакаларини ошириб бориш билан бирга ҳар бир беморга яқин кишидек меҳр-муҳаббат кўрсатишганди.

Бугунги кунда тиббиёт соҳаси ривожини хотин-қизлар иштирокида тасаввур қилиб бўлмайди. Жамоа аъзоларимизнинг асосий қисмини хо-

тин-қизлар ташкил этади. Биз бўлим касабга уюшма қўмитаси билан уларнинг меҳнат шариоитларини мунтазам ўрганиб, имтиёзлар бериш, меҳнат таътили ва бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига эътибор қаратмоқдамиз. Масалан, шу йил Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги муқаддас жойларга зиёратга боришди. Кам таъминланган оила фарзандлари Қашқабулоқ қишлоғидаги ёзги дам олиш оромгоҳида соғломлаштирилди.

Қисқаси, жамоамиз аъзолари ҳар бир бемор билан ҳушмуомалада бўлиб, уларга тезроқ ёрдам кўрсатиш учун бутун куч ва имкониятларини сарфлайверади. Қўшимча дори-дармонлар қилиб, муолажалар ўтказишганди. Секунда беморларнинг аҳоли яхши томонга ўзгараётганлигини сезганимизда ҳаяжонимизни яширолмасдан ўзимизни энгил ҳис этамиз.

Барно ҲАСАНОВА,
Галлаорол туман тиббиёт бирлашмасига қарашли физиотерапия бўлими мудири,
олий тоифали терапевт-шифокор

ФАОЛИЯТ

Маҳалла обод — юрт обод

Маҳалла — ватан ичра кичик ватан. Унинг обод ва қўрқамлиги, гўзаллиги юртимизнинг фаровонлиги ва тараққиётининг далолати. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач юртимизда барча соҳалар сингайириши, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳам жиддий ёндашилди. Шу боис, туман ва шаҳарларимиз мисли кўрилмаган қиёфа касб этди. Минглаб мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, маҳалла марказлари, маданий-маиший бинолар, истироҳат боғлари, аҳоли турар-жойлари барпо этилди.

Биргина Муборак туман Муборак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда ҳам сезиларли даражада бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳудудда 1 та касб-хунар коллежи, 7 та умумтаълим мактаби, 1 та мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ врачлик пункти мавжуд.

— Аҳоли сони 4663 нафарни ташкил этади, — дейди Муборак ҚФЙ раиси Нурилла Хиддиев. — Аҳолининг фаровонлиги йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ширинбулоқ қишлоғида Муборак қоракўл наслчилиги ширкати ҳужалиги ҳомийлигида 2009 йил қишлоқ фарзандлари учун замонавий мактаб қуриб фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Алибой Юлдашев томонидан маҳалла аҳолиси учун чойхона қуриб битказилди. Равон йўллар янги манзиллар сари етаклайди деганларидек, Туркман, Зарбулоқ, Ўтрақ қишлоқлари борадиган йўллар асфальт қилинди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да Зарбулоқ, Ниёзхон, Ширинбулоқ қишлоқ аҳолиси тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди. Бундан ташқари, Ўтрақ қишлоғида замонавий лойиҳа асосида 99 та уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатиш ва иш ўринлари яратиш мақсадида 3 та савдо дўкони, 2 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва 1 та чорвачилик фермаси иш бошлади. Галдаги режа аҳоли пунктида новойхона, қоракўл терисидан турли хилдаги кийимлар тикадиган замонавий тикув цехи олиб келиб ўрнатиш ҳамда балиқчиликни ривожлантиришди. Режалар амалга ошадиган бўлса, яна 25 та янги иш ўрни яратилади.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milly tiklanish" муҳбири

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жисмоний ва маънавий соғлом авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда мустақил фикрлаш ва дунёқарашни шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Болаларга қувонч улашиб

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида улкан ишлар бажарилмоқда. 2010 йилда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфига ўтказилган барча болалар майдончалари, спорт ва уйин иншоотлари рўйхатга олинди. 1600 дан зиёд болалар майдончаси қурилди. Шаҳримиз маҳаллаларида барпо этилаётган замонавий спорт майдонлари болаларни спортга кенг жалб этиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилаётди. Бу борада болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтини фойдали ўтказишни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни юксак маънавий қадриятлар асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида ҳам бу борада самарали ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги мавжуд 58 маҳаллада 139 дан ортққ болалар майдончаси қурилди ва реконструкция қилинди. «Мискин» маҳалласидаги янги майдонча

шулар жумласидандир.

— Маҳалламизда 26 та кўпқаватли ва 297 та хусусий уй бор, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зокир Маҳаммов. — Бу ерда 15 ёшгача бўлган 547 нафар ўғил-қиз яшайди, уларнинг аксарияти бўш вақтини маҳалламизда қурилган, уйин ва спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган янги майдончада ўтказди. Болаларнинг стол теннисига қизиқиши, айниқса, юқори. Бундан ташқари, маҳалламиз болаларни махсус майдонча қурилгандан сўнг баскетбол билан ҳам мунтазам шуғулланмоқда.

— Илгари бу ерда болалар майдончаси йўқ эди, — дейди «Жийдали» маҳалласида яшовчи Махсум Убайдуллаева. — Яқинда уйимиз ёнида барпо этилган шундай майдонча болаларимизнинг бўш вақтини мароқли ўтказиши учун мўлжалланган ва спорт ускуналари билан жиҳозланган. Бу фарзандларимизга спорт ва турли фойдали уйинлар билан шуғулланиш имконини бермоқда.

Болалар майдончаларидан самарали фойдаланиш ўғил-қизларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, салохиятини ошириш, спортга жалб қилиш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишга хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири

ХУҚУҚ

Конституция

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида "Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолатидир" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Республика Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбир конституциянинг 19 йиллигига бағишланди. Унда Бош қомусимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, тадбирда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" деб номланган янги

китобининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди. Китобдаги давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва истиқлолнинг дастлабки даврида олиб борилган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар ёшларнинг мустақиллик борасидаги билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган муҳим вазифалар ва уларнинг ижроси йиғилганлар диққат эътиборида бўлди.

Тадбирда тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилияти, нутқ маданиятини ўстириш, халқаро ҳуқуқнинг эътироф этилган норма ва қоидаларининг миллий қонунчилигимизга татбиқ этилиши, давлатимизнинг ривожланган ҳоржий мамлакатлар билан олиб бораётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги алоқалари интерфаол усуллар, слайдлар орқали тушунтирилди.

ЖАРАЁН

БОЛАЛАР СПОРТИ

Иқтидорли ёшлар камол топмоқда



Сирдарё вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактаби воҳадаги энг намунали таълим даргоҳларидан саналади. Мактабда айни кунда спортнинг олимпия дастурларига кирувчи 7 та тури бўйича бўлимлар фаолият олиб борапти. Жумладан, академик эшак эшиш, байдарка, каноэда эшак эшиш, велоспорт, энгил атлетика, сузиш, синхрон сузиш, сув полоси машғулотларида 430 нафар ёш спортчи шуғулланиб келади. Мактабда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган иқтидорли ёшлар етишиб чиқмоқда. Хусусан, ушбу мактаб ўқувчиси академик эшак эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Руслан Науразаев жасад мисли қўлга киритди. Ш.Алимов, В.Дирхон, В.Черненко, С.Кузнецов, М.Қосимов ва каби ёш спортчилар мактабнинг фахри ҳисобланади.

Таълим даргоҳида спортнинг велоспорт тури бўйича машғулотлар ҳам намунали йўлга

қўйилган. Ёш велоспортчилар катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Велоспортчи Эрнест Осмонов ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида фахрли биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, яна бир умидли спортчи Вадим Шайхов жорий йилдаги республика миқёсидаги чемпионатда мамлакат чемпиони деган юксак номни қўлга киритди.

— Юртимизда биз ёшларга кўрсатилаётган катта ғамхўрликлар юксак зафарлар сари ундапти, — дейди академик эшак эшиш бўйича кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Севара Мирзабекова. — Келажакда жаҳон миқёсидаги беллашувларда фаол қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бир неча йилдирки, вилоятда "Йилнинг энг яхши спорт мактаби" деган юксак номни мустаҳкам эгаллаб келади. Бу катта ютуқда Зухра Файзиёва, Василлий Чекменов, Владимир Милтусов, Севилья Сейдеметова каби малакали устоз-мураббийларнинг муносиб хиссаси бор.

Анорбой НОРКУЛОВ,
"Milly tiklanish" муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

● БИЗНИНГ ШАРХ

Қаҳратон қиш остонаси

КЕЙИНГИ 10 ЙИЛДА ҚИШ МАВСУМИДА ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ ПАСАЙИШИ КУТИЛМОҚДА



Сайёрамизда қиш ҳужумлиги аста-секин сезилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Она заминда бир неча йиллардан буён кузатилаётган иқлимдаги ажабтовур ўзгаришлар — жазирама иссиқ, қургўқчилик, тинимсиз ёғингарчиликлар, ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши турли минтақаларда, хусусан, Европа ва Америка қитъаларида бу йилги қишнинг нисбатан эрта келиши ва об-ҳавонинг совуқ кетишига олиб келиши мумкин.

Ўтган йилги каби жорий йилда ҳам Шимолий Америкада бир неча кун давомида ёққан қор-аҳолига кўплаб ноқулайликлар туғдирди. Нью-Йорк, Вашингтон, Виржиния, Кливленг шаҳарларида кўчаларнинг музлаши оқибатида транспорт ҳаракатлари вақтинча тўхтатилди. Бундан олимлар ўтган йилги Америка Қўшма Штатларини Америка қорли штатларига айлангани ҳақидаги ҳазил ибораларни эслашмоқда. Бундан Европа ҳам мусто эмас.

2011-2012 йилнинг қиш мавсуми яқинлашгани сайин мутахассислар қитъа худудларида ҳаво ҳарорати қандай бўлиши борасидаги ҳисоб-китобларга аниқлик киритиб, хулосалар эълон қилишмоқда. Қарақатилган маълумотларга қараганда, Шарқий Европада ўртача ҳарорат 3 даражагача, Фарбий томонларда эса 2-2,5 даражагача пасайиши мумкин. Аммо об-ҳавонинг бундай кескин совиб кетиши қор ёғиш миқдорининг кўтарилишига сабаб бўлмас экан. Аксинча, ёғингарчиликларнинг одатдаги меъёрдан озаёиши тахмин қилинаёптики, айнан шу омил, яъни қаттиқ совуқ ва кам ёғингарчилик аҳоли ҳамда жонзотлар учун қатор мураккабликларни келтириб чиқаради.

Европалик синоптиклар об-ҳаводаги бундай кескин ўзгаришни Атлантика океанида вулжудга келадиган илиқ оқим — Гольфстримнинг сусайиши билан боғлашмоқда. Маълумки, бу оқим кўҳна қитъани Арктика қаҳратонларидан ҳимоя қилди. Польшалик мутахассисларнинг аниқлашича, охириги икки йил ичида Гольфстримнинг тезлиги икки баробарга секинлашган. Бунинг салбий таъсири ҳозирда Скандинавияда билинган.

Кэмбридж университети тадқиқотчиларининг фикрича, глобал ўзгаришлар Европа об-

ҳавосининг совушига олиб келади. Олимларнинг айтишича, иссиқ жараёнининг бошланиши ва музликларнинг эриши Европанинг асосий қувват манбаи ҳисобланган иссиқ Гольфстрим оқими ишини таъминловчи механизмни секинлаштиради. Тадқиқот гуруҳи кузатишларига кўра, Гренландия қирғоқларида ҳавзалар юзасидаги совуқ сувларнинг иссиқ сувлар билан алмашиши жараёни сўнгги йилларда чорак баробар қисқарган. Ваҳо-ланки, мазкур сув қатламларининг алмашинуви Гольфстримнинг двигителларидан бири саналади. Мутахассисларнинг фикрича, жараёнинг секинлашуви яқин бир неча йил ичида Европага ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кўҳна қитъа олдида яна бир жиддий синов турибди: янги сайёрамиздаги океанлар сувлари аввалгидек кўтарилишда давом этса, 40-50 йилдан кейин

қуруқликларнинг бир қисми сув остида қолиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, қиш фаслида об-ҳавонинг кескин пасайиши кетаётгани атмосферада рўй бераётган глобал қоронгулашиш билан ҳам боғлиқ. Кузатувларга кўра, қуёш нурларининг Ҳинд океани худудларига тўшаётган ёруғи бирмунча хиралашган. Бу худудларга шамол Ҳиндистондан ифлосланган ҳаво оқимини ҳайдаб келмоқда. Икки йиллик кузатувларга қараганда, қарийб 4 км. қалинликдаги атмосфера-нинг "қора парда"си Малдив ороллари устида қуёш ёруғлигини 10 фоизга камайтирган. Ҳозир ифлосланган булут қатламлари Осиёнинг шимолий-ғарбий минтақаларида турибди. Метеорологларнинг фикрича, глобал қоронгулашиш аста-секин Европа минтақаси томон силжимоқда. Бу ўз навбатида худудда Шимолий Африка об-ҳавосини олиб келиши ва Ши-

Олимлар томонидан олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларда аниқланишича, қуёш нурларининг Ерға тушиш изчиллиги 1950-йилларга нисбатан 22 фоизга пасайган. Қуёш энергияси таъсирида рўй берадиган сувнинг буғланиши ҳам сезиларли даражада камайган. Бундан хулоса шуки, ёқилгининг ёниши нафақат "парник эффект"га, балки атмосферага турли газлар билан бирга катта миқдорда қурум зарралари ва бошқа ифлослантурувчи моддаларни ҳам чиқармоқда.

молий ярим шардаги океан сатҳини совитиши эҳтимоли бор. Европалик иқлимшуносларнинг фикрича, яқин йилларда Шимолий кутбдаги ҳарорат 1,2 даражага ошиши мумкин. На-тижада Арктика музликларининг эришидан ҳосил бўлган катта миқдордаги чучук сув Шимолий денгизга кўшилади. Маълумки, чучук сув шўр сувдан анча енгил. Шунинг учун у чўкмайди ва экватордан етиб келган оқим таркибига тўлиқ қўшилиб кетмайди. Боз устига, Гольфстрим сувини маълум миқдорда шўрсизлантириб, енгиллаштириб кўяди. Оқибатда оқим сув тубига чўкмай, юза бўйлаб тарқалиб кетади ва ортга қайтмайди. Бу эса Европани илиқлик олиб келувчи қувватдан маҳрум этади. Палеонтологларнинг тахминича, шунга ўхшаш ҳодиса бундан қарийб 5 млн. йил олдин Музлик даврларидан бирида содир бўлган. Ушанда ҳам Гольфстримнинг тўхташи иқлимнинг кескин ўзгаришига олиб келганди.

Она заминимиз инсониятга хизмат қилмоқда. Одамлар эса табиатни «забт этиш»да ҳозир ҳам давом этмоқда: талаб ва эҳтиёжини жиловлай олганича йўқ. Мутахассислар фикрича, иқлим ўзгаришининг энг асосий сабаби инсон фаолияти билан боғлиқ. Афсусланарли жиҳати бунинг оқибатларидан яна инсониятнинг ўзи азият чекади. Ҳозир инсониятнинг табиатга таъсири кескин ошиб бормоқда. Техника тараққиётининг жадал ривожланиши ва табиий ресурсларнинг шафқатсизларча эксплуатация қилиниши, атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар катламларининг микёсида кескин иқлим ўзгаришлари — озон қатламнинг емирилиши, тоза ичимлик сувининг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Иқлимнинг «янги либос» кийиши ландшафтларнинг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда ва бу билан ҳисоблашмай бўлмайди. Мутахассисларнинг фикрича, сайёрамиз бўйлаб кузатилаётган сув тошқинлари, ҳавонинг кескин пасайиши ёки иссиши, сел ва қаттиқ бўронларнинг кўпайишига сабаб ҳам шундан.

Беҳбуд БОТИРОВ, «Milliy tiklanish» шарҳловчиси

Автобус ҳалокати

Мисрда автобус ҳалокати содир бўлган.



Оқибатда қарийб 11 нафар венгриялик сайёҳ ҳалок бўлган, 27 одам жароҳатланган. Ҳалокат Мисрнинг Қизил денгиз соҳилидаги Хургада шаҳрида рўй берди. Дастлабки тергов натижаларига кўра, катта тезликда ҳаракатланаётган автобус ағдарилиб кетган. Автобус ичида асосан венгриялик сайёҳлар бўлган.

Астероид сайёрамизга хавф туғдирмайди

Ерға йирик астероид яқинлашиб келмоқда.



Диаметри 400 метр катталикдаги улкан астероид Ерға яқинлашиши кутилмоқда. Астероид сайёрамизга 325 минг километр яқинликдаги масофадан ўтиши кутилмоқда. Бу Ойдан ҳам яқин масофа бўлиб, улкан астероиднинг Ерға бу қадар яқинлашиши сўнгги 200 йилдан буён кузатилмаган. Мутахассисларнинг фикрича, улкан астероид сайёрамизга хавф туғдирмайди.

Йўли бор

«Бутунжаҳон экология жамғармаси» нотижорат ташкилоти ҳисоботига кўра, ер юзига яшаётган ҳар 5 кишидан бири тўйиб оватқанмайди.

Бу ҳолат айниқса, Африка қитъасида янада ортиши мумкин. Иқлим ўзгариши масалалари бўйича шуғулланувчи ҳукуматларро экспертлар гуруҳи айнан сайёрамизда иқлим ўзгариши туфайли яна қарийб 10 йилдан кейин кўпгина мамлакатларга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиши ҳақида бонг урмоқда. Бу ҳолат йил сайин ўсиб бораётган ер аҳолисини боқшида айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Олимлар иқлим параметрларининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат ўрнини босувчи экинзорлар худудини вақти-вақти билан ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқ, деб айтишмоқда.

Қайта сайланди

Даниэл Ортега учинчи муддатта Никарагуа президентлигига қайта сайланди.



Ортега сайловчиларнинг 63 фоиз овози билан сайловда ғолиб чиққан. Унинг асосий рақиби эса никарагуаликларнинг 31 фоизлик овозини қозона олган. Маҳаллий кузатувчилар сайлов кампанияси даврида 600 та қонунбузилиш ҳолатини аниқлашган. АҚШ Давлат департаменти вакили Виктория Нуландга кўра, расмий Вашингтон Никарагуадаги сайлов пайти қонунбузилишлари бўлгани ҳақидаги хабарлардан хавотир билдирган. Бунинг Европа Иттифоқи кузатувчиларининг Никарагуадаги президент сайловига оид ҳисоботи эълон қилинади.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида Гулнора РАСУЛОВА тайёрлади

● РАНГИН ДУНЁ

Италияда байрамлар азал-азалдан мамлакатнинг барча худудлари бўйлаб ўтказилган. Ана шундай байрамлардан бири — рицарлар турнири бугун ҳам зўр иштиёқ билан нишонланади. Бу байрамга италияликлар йил давомида тайёргарлик кўришади.


РИЦАРЛАР ТУРНИРИ

«Квинтана ди Фолиньо» деб номланган тарихий ва театрлаштирилган турнир йилда икки маротаба ўтказилади. Ута мураккаб, аммо ниҳоятда қизиқарли турнирда мамлакатнинг турли гушаларидан келган инсонлар иштирок этиши мумкин. Биргина шарти шуки, от минини пухта эгаллаган чавандозгина ушбу турнирда қатнаша олади. Бундан ташқари, турнир иштирокчилари ўрта аср либосларини кийиб олиши ҳам талаб қилинади. Чавандозлар йил давомида ана шу турнирда қатнашиш учун тинмай шуғулланишади. Илк бор XV асрда уюштирилган турнирнинг қонун-қоидалари ишлаб чиқилиб, шаҳар уставига киритилган эди. 1556 йилдан XIX асрга қадар доимий равишда ўтказиб келинган байрам бизнинг асримизга келиб яна қайта тикланди. Шу кун Иль Кампо де ло Жоки майдони минглаб томо-

шабинлар билан тўлиб тошади. Аньанага кўра, турнир иштирокчилари саккиз рақами шаклидаги 754 метр масофалик йўлни босиб ўтишлари шарт. Йўлларнинг кескиши жойига «Квинтана» деб номланган қадимги ёғоч ҳайкали ўрнатилиб, ҳайкалнинг чап қўлига шаҳар рамзи сифатида хоч ва нулфар гули тасвирланган қалқон тутқазилади. Унинг ўнг қўлига эса 1946 йилдан буён иланиб турган илмоққа узук осиб қўйилади. Одатда уч бўлимдан иборат мусобақада узукларнинг катталиги ҳам турли хил бўлади. Масалан, биринчи узукнинг диаметри 10 см., кейингиси 8 см.ни ва учинчиси 6 см.ни ташкил қилади. Мусобақа иштирокчилари саккиз рақам кўринишидаги йўлни тўққиз маротаба босиб ўтиб, камон ўқида ана шу узукни мўлжалга олишлари лозим. Рицарлар хато қилмасдан қисқа муддатда ана шу вазифани ундай олишса, мусобақанинг махсус совғаси — Палио ипак

Ўрта аср анъаналари

ИТАЛИЯДА ҲАМОН ЎЗ МАВҚЕИНИ ЙЎҚОТМАГАН



байроғи билан тақдирланади. Бу мукофот ҳар бир италиялик чавандоз учун ҳам фахр, ҳам шараф ҳисобланади.

ОТЛИҚЛАР МУСОБАҚАСИ

«Пальо ли Сиена» — аньанавий отлиқлар мусобақаси Италиянинг яна бир дунёга машҳур ҳамда ўрта аср байрамларининг энг қадимийси ҳисобланади. Бу мусобақанинг қонун-қоидаси 1644 йилда илк бор отлиқлар мусобақаси чоғида ишлаб чиқилган. Ҳар йили 2 июлда ўтказиладиган мусоба-

қанинг ғолиблари кейинги асосий турнирга йўлланма олади. 12 августдан 14 августга қадар ўтказиладиган мазкур ўйин Италиянинг жанубий қисмида бўлиб ўтади. Тарихий театрлаштирилган байрамона мусобақа норманларнинг 1060 йилдаги Сицилияга қилган ҳарбий юришига бағишланади.

САНТА РОЗА

Ҳар йили сентябрь ойида Витербо шаҳрида тантанали тарзда нишонланадиган Санта Роза фестивалини италияликлар ўзгача тароват ва

шуқуҳ билан кутиб олишади. Негаки, шаҳарликлар ушбу байрамга алоҳида тайёргарлик кўришади.

Бу байрам ҳам сахналаштирилган томоша, рақс ва миллий куй-қўшиқлар садоси остида ўтади. Тадбирнинг энг кульминацион нуқтаси байрамга бағишланган ҳайкални олиб ўтиш жараёнидир. Ушбу аньана италияликларни ниҳоятда хушнуд этади. Чамаси 100 нафар киши шаҳарнинг тор кўчалари бўйлаб баландлиги 28 метр, оғирлиги 5 тонна келадиган «Санта Роза» ҳайкалини олиб ўтишади. Байрам

сўнггида ҳайкални тоғ қояси бўйлаб Сан Дамиано ибодатхонасига кўтариб чиқиш одат тусини олган.

ДЕНГИЗЧИЛАР ЖАНГИ

Ўрта аср даврида Италиянинг Лагурия вилоятидаги Вентимилья шаҳрида денгизчиларнинг куч синашиш бўйича ўртоқлик жанглири ўтказиб турилган. Ёш денгизчилар куч синашунларига қадар шаҳарликлар шохона байрам тараддудини кўришган. Уч кечаю уч кундуз нишонланадиган Феррағосто байрамиди шу кун мўъжиза рўй бериб, ибодатхона деворидиғи ўйилган юлдузчадан сув отилиб чиқарган. Рухоний денгиз ва кемаларни дуо қилганидан сўнг денгизчилар ўртасида куч синаш мусобақаси бошланиб кетади. Байрамнинг иккинчи кун эстафета уюштирилган, учинчи кун эса шаҳар тарихининг турли даврларига бағишланган сахна кўринишлари намойиш этилган. 1974 йилдан қайта тикланган мазкур байрам ҳозирда «Ўрта аср августи» номини олган.

МАСТОЖУРАТО

Абруццо вилоятининг митти шаҳарчаси Ланчано аҳолиси қадимги даврларданок барча

жабҳаларда фаол бўлиб келган. Айниқса, ўрта аср даврида шаҳар ниҳоятда гуркираб, савдо-сотик марказига айланади. Аммо, шаҳар йўли азалдан хавфли бўлиб, йўлтўсар қароқчилар савдогарларнинг молини талон-тарож қилишган. Ана шу вақтда савдо йўлларини мустаҳкамлаш учун кўрикчилар қўйишга мажбур бўлишди. Ярмаркалар ўтказиш чоғида кўрикчилар аҳоли тинчлигини назорат қилиши ва савдогарларни ҳимоясига олиши керак эди. Маҳаллий аҳоли томонидан сайланган вакил «Мастожурато» номини олиб, ярмарка пайтида фақат унгагина қурол олиб юриш ҳуқуқи берилган. У меҳмонларнинг тинчини бузган қишларни қамоққа олиши мумкин эди. Ярмарка очилишидан аввал Мастожуратога бағишланган тантанали тадбир ўтказилган. Тарихий воқеага бағишланган ушбу байрам тадбири 1981 йилдан буён қайта тикланиб нишонланиб келинмоқда. Бир ҳафта давом этадиган ярмаркада халқ хунармандчилиги буюмлари кўргазмаси, ўрта аср таомлари фестивали ҳамда куй-қўшиқлар, сахна кўринишларидан иборат томошалар бўлиб ўтади.

М.ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**Ҳаваскорлик
театрлари
фестивали**

Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театрида "Ҳаваскорлик театрлари Республика фестивали"нинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ёшларнинг театр санъатига бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳаваскорлик театр жамоалари фаолиятини жамият ва замон талаблари руҳида тараққий эттириш, соҳа ижодкорларини рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу фестивалнинг вилоят босқичида Жарқўрғон туман марказий маданият уйи қошидаги ҳаваскорлик халқ драма театри жамоаси голиб деб топилди. Голиб жамоага Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган "Ҳаваскорлик театрлари Республика фестивали"да қатнашиш учун йўлланма берилди.

**Санъат
кўргазмаси**

Қарши шаҳрида миллий санъат намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди.

"Наврўз" хиёбонида ўтказилган мазкур кўргазмада хунармандлар, халқ амалий санъати усталари, ижодкорлар, расом ва меъморларнинг ижод намуналари намойиш этилди. Қашқадарёлик кўлигул усталар ўз маҳсулотлари орқали воҳанинг ўзига хос удум ва анъаналарини тарғиб қилишган. Шунингдек, тадбир давомида "Фаримсан, гуруримсан жонажон шаҳрим" деб номланган концерт дастури ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О.Халилова, У.Куватов, шоир Бобур Бобомурод ва эстрада хонандаси Ширина ўз чиқишлари билан йилгиланларни хушнуд этишди.

**Танлов
ғолиблари
аниқланди**

Бухоро вилояти илмий-методик маркази кўргазма залида номоддий маданий мерос тарғиботига бағишланган фото ва видео Республика кўркам-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.


Танловда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан саралаб олинган иштирокчилар қатнашишди. Айтиш жоизки, танловга қўйилган фотосурат ва видеоларлар томошабинлар томонидан ижобий баҳоланди. Ғолиблар кўркам-танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Назокат АХМЕДОВА,
Озода БУРҲОНОВА

МОЗИЙДАН САДО

Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотираси баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ



Нурота музейи

НУРОТА ТАРИХИНИ ТАРҒИБ ҚИЛМОҚДА

Музейлар инсон маънавиятини юксалтириш, комил инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Унда жамланган ҳар бир экспонат халқимизнинг узок ўтмиши, аجدодларимиз ҳаётидан гувоҳлик беради. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мазкур соҳа ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони тизим фаолиятини янада юксалтиришда дастуриламал бўлмоқда.

Навоий вилоятида 9 та музей мавжуд бўлиб, уларда халқимизнинг бой тарихи, турмуш тарзи, маданиятини акс эттирувчи экспонатлар ва мустақиллигимиз одимларини ифодаловчи манбаалар сақланмоқда. Музейлар ҳақида фикр юритар эканмиз, Нурота туманидаги "Чашма" тарихий меъморий музейи ҳақида батафсил тўхталишни жоиз билдик.

Юртимиз тарихи зарварақларидан бири бўлган Нурота, ундаги қадамжолар ҳақида Хаср

да яшаб ўтган буюк аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Наршахийнинг шундай сўзи бор: "Нурота катта ва гўзал жой, анда жомеъ масжиди ва рабоблар кўп..." "Ер юзиде Бухородаи шаҳри азим бўлмасдан олдин Нур соҳилида ҳаёт қайнаган..." "Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган кишининг фазилатларига эга бўлади. Чунки у ерда кўплаб улугларнинг қабрлари бор..."

Дарҳақиқат, Туронзамин тарихида Нур номи билан машҳур бўлган Нурота кўҳна тарихга эга.

Бу маскан хусусидаги тарихий манбалар варақланганда кўз ўнгимизда Шарқ дунёсининг муҳим маданият ўчоғи, Бухоро воҳасининг кўчманчи ва ўтроқ ҳаёт кечирувчи аҳолиси ўртасида жойлашган чегара ёхуд дарвоза гавдаланади. Унинг ўтмишини ёш авлодларга бус-бутунлигича етказиб беришда эса Нурота тарихий меъморий мажмуаси музейининг аҳамияти катта.

Музей илк фаолиятини 1982 йилда тумanning "Чашма" мажмуасидаги катта гумбаз масжидида бошлаган. Дастлаб "Жамоатчилик музейи" номи билан юритилган мазкур маскан мажмуага саёҳатчи ва зиёратчиларнинг мунтазам келиши, уларга маданий-маърифий хизмат кўрсатишга бўлган зарурат ҳамда қадимги Нур тарихини илмий тадқиқ қилиш мақсадида 1988 йилда "Нурота" ўлкашунослик музейига айлантирилди. 2003 йилдан бошлаб мазкур музей Нурота "Чашма" табиий меъморий мажмуаси музейи деб номланди ва унда катта бунёдкорлик ишлари амалга

оширилди. Айниқса, мустақиллик даврида музей минглаб саёҳатчи ва зиёратчилар, хорижий сайёҳларга миллий анъаналаримиз, асрий қадриятларимиз, кўҳна тарихимизни тарғиб этиб келмоқда.

"Нуротага жаҳоннинг 50 дан зиёд мамлакатидан сайёҳлар ташриф буюрганлар. Француз сайёҳи С. Жерарнинг "Ўтмишда Нур, "Нури Бухоро" деб аталган, Буюк Ипак йўли устида жойлашган ва ўз бозорларига эга бўлган Нурота яна жаҳон бозорига айлангани керак" деган фикри айна ҳақиқат. Нурота табиий меъморий музейи эса бу муқаддас ўлканинг узок ўтмишини, кечаги кунини, бугунини тарғиб ва ташвиқ қилмоқда" деди биз билан суҳбатда музей директори Шавкат Исмоилзода.

Унинг таъкидлашича, музейнинг ҳозирги биноси 2003 йилда қуриб битказилган. 3 та бўлимдан иборат бўлган музейда ҳозирги кунда 2000 дан ортиқ экспонат мавжуд. Қадимги Нурота залида антик даврга мансуб бўлган экспонатлар: V асрга оид сопол ҳовонча, денгиз чиганоғи, бронза ҳайкалчалари, X асрга оид Нур қалъасидан топилган ёғоч қолдиқлари, этнография залида эса қадим кулчилик, кандакорлик, ўтмиш даврига хос аёллар либослари, халқнинг яшаш тарзи ифодаланган уй-рўзгор буюмлари сақланмоқда. "Нурота мустақиллик йилларида" деб номланган бўлим эса мустақиллик одимларини акс эттирувчи манбаалар билан бойитилган.

Таъкидлаш жоизки, Нурота чексиз имкониятлар ва сирсиноатлар маскани. Мустақиллик шарофати билан табиатнинг ноёб тўхфаси бўлган Нурота "Чашма" мажмуаси қайта реконструкция қилинди. Ҳозирда бу зиёратгоҳ ниҳоятда гўзал, инсонни ҳайратга солувчи масканга айланган. Лекин, бу алоҳида мавзу.

Минг йиллар давомида она заминга оби ҳаёт, инсонлар қалбига нур бағишловчи Нурота чашмаси ҳудудда жойлашган музей фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кучайтириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бунга ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи ҳам ўз таклиф ва ташаббуслари билан бош-қош бўлсалар нур устига нур бўларди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Сабоқ

Чор-атрофи осмонлар Нарвон тоғлари билан қуршалган бепойи кенгликларни тоғ қалқилари макон қилиб олишган. Ҳар гал кўёш чарақлаб буй кўрсатган паллада бу кўркам ва фусункор қушлар тўда-тўда бўлиб, майин ва ёқимли сайраши билан кўнглиларга завқ-шавқ бағишлайди. Сайроқи қушлар ҳар қандай кишини ўзига ром этмасдан қўймайди.



ёрлиги йўқ, у қиш яқинлашайтганлигидан паст текисликларга учиб туша бошлар эди. Бу овчига олдиндан маълум. Лекин беозор жониворлар қўшотарнинг эслатувчи тоғлар, майин қамишзор ва қалин туюқоринлар ора-лаб бораркан, тепаликка етар-етмас қалқиларни бирин-кетин мўлжалга ола бошлади. Шунда сайроқи қушларнинг бир нечаси тўдадан ажралиб, шох-шабба ва буталар орасига яширинмоқ-

чи бўлди. У суюнганидан арғумогидан тушмай қанотларидан жароҳатланган қушларни олиш учун энгашган ҳам эдики, қўлвор илонга кўзи тушди. Совуқ махлук вишилганча бошини кўтариб захрини сочишга шай турарди. Шунда овчи қаттиқ кўрқанидан юраги ҳаприқиб, мадорсизлик ва лоҳасликни ҳис эта бошлади. Баланд тепаликда эса қалқилар ҳамон сайрашини бас қилишмас, уларни тингларкан юраги эзилиб, виждони қийналганиданми хаёлга толди. "Уламанми уларни жувонмарг қилмасам. Бола-чақамни шу билан боқаманми?" деди ўзига-ўзи, қаттиқ пушаймон бўлганидан. Илон

унинг хаёлидагини сезгандек кўздан ғойиб бўлди. Фаизи амаки эса овини чала қолдириб, кийим-бош ва анжомларини хуржунга соларкан ортига қайтиш тадоригини кўра бошлади.

Вақт ўтиши билан овчининг қўллари қалтирайдиган бўлиб қолди. Шунданми кексаларнинг "Беозор жониворларни нобуд қилишнинг уволи ёмон. Паррандаларнинг париси бўлади", деган гаплари ёдига тушиб йўланиб қолди. Бу гаплар бекорга айтилмаган экан. "Қари билганини пари билмас" дейдилар-ку, ахир.

Шу-шу Фаизи овчи мана уч-тўрт йилдирики овга чиқмас, беозор жониворлар ҳам ундан озор чекмас, ҳатто қалин қор ёққанида қишлоқ ичкарасига оралаб турадиган бўлишди. Лекин Фаизи амаки баззан тоғларнинг гўзаллиги, хусну латофати, сўлим табиати ҳамда шилдираб оқабган чашма ва булоқларини кўмсаб қолганида ов қуролисиз Осмонсой дарасига йўл олганида баҳри дили очилиб кетарди. Мадорсизланиб бетоб бўлган пайтлари ҳам сайроқи қушларнинг кўкда чарх уриб парвоз қилишини кўрганида ўзини худди соғайгандек ҳис этарди. Фусункор ва жозибали бу қушларнинг сайраши табиат шайдоларига ҳам ҳўзур-ҳаловат ва ором бағишлайди. Қушларга меҳрибонлик ҳаётта бўлган муҳаббатдир.

Абдулла САИДОВ

Одам бошқаларнинг хатоларига, қилинган ва қилинмаган ишларига эмас — ўзининг қилинган ва қилинмаган ишларига қараши лозим.

БИЛАСИСМИ?

Глэндон (Канада) шаҳарчасининг рамзи — чучвара кўринишидаги ҳайкалнинг баландлиги 9 метр, оғирлиги эса 2700 тоннани ташкил қилади.

Ҳар йили 110 млн. тонна шаккар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 60 фоизи шаккарқамишдан, қолган 40 фоизи эса қанд лавлагидан олинади.

ТУРФА ОЛАМ

Автоматик поезд

ПАРИЖ ШАҲРИДАГИ ЭНГ КўҳНА МЕТРОПОЛИТЕН ЛИНИЯСИДА ЎТА ЗАМОНАВИЙ МАШИНИСТСIZ ПОЕЗДЛАР ҚАТНОВИ ЙўЛГА ҚўЙИЛАДИ.

Манбада келтирилишича, янги поездлар Дефанс ва Шато-де-Венсан йўналиши бўлиб ҳаракатлана бошлайди. Автоматик поезд йўловчилари нафақат машинист йўқлигига, балки бошқа ўзгаришларга ҳам гувоҳ бўлишлари мумкин. Янги поездлар ўзига хос дизайнга эга бўлиб, ёруғлик мосламалари, вентиляция тизими, маълумот узатувчи мультимедик экран ва камалак ранг мато қопланган юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Эслатиб ўтамиз, Франция пойтахтининг энг кўҳна ва дастлабки метрополитени 1900 йили ишга туширилган.



Қизил кўйлак

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА КўЙЛАК КОРЕЯЛИК ДИЗАЙНЕР ААМУ СОНГ ТОМОНИДАН ТИКИЛДИ.

Мазкур кўйлак махсус бичимда тикилган бўлиб, ҳар қандай аёлга бирдек ярашар экан. Дизайнер энгизузн малина-ранг кўйлакка "REDDRESS", яъни "қизил кўйлак" дея ном берган. Уни тиқиш учун эса 550 метрга яқин классик услубдаги жун мато кетган. Кўйлакнинг узунлиги чиройли қўли тахланганда 10 метрга етади. Айтишларича, унинг бурamalарига тахминан 238 нафар қиз сигаркан. Кореялик дизайнер яқин орада ўз кўйлаги билан Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олиши кутилмоқда.



"Мўъжизакор" усул

STROMA MEDICAL (АҚШ) ТАШКИЛОТИ ШИФОКОРЛАРИ 20 ДАКИГА ИЧИДА ИНСОН КўЗИНИНГ РАНГИНИ ЎЗГАРИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ "Мўъжизакор" УСУЛНИ КАШФ ЭТИШДИ.

Ушбу технологияга шифокорлар томонидан Lumineyes номи берилди. "Мўъжизакор" усул лазер нурларидан фойдаланиш асосига қурилган. Шифокорларнинг гапига қараганда, лазер нурлари кўздаги жигарранг пигментни йўқотишга ёрдам беради ва ордан 2-3 hafta ўтгач, шундай амалиётни қилдирган инсоннинг кўзи мовий ранг бўлиб қоларкан. Маълумотларга кўра, ҳозирда ана шундай амалиётни қилдириш истагида юрган юзлаб инсонлар навбат пойлаётган эмиш.



Ғайриоддий дўкон

НЬЮ-ЙОРК ШАҲРИДА ФАҚАТ МАЙОНЕЗ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДўКОН ОЧИЛДИ.

Бироқ, бу ерда фабрикада тайёрланган майонезларни топиш амримаҳол. Дўкондаги майонезларнинг ҳаммаси уй шароитида, яъни инсон қўли билан тайёрланган. Маҳсулотлар асосан дўкон соҳиби Сэм Менсон томонидан яратилади. Бундай майонезлар таркибида пишлоқ, кўзиқорин, фау-гра, ҳатто, қаҳва ҳам учраб туради. Қолаверса, ғайриоддий дўконда ўхшашлик жиҳатдан майонезга яқин маҳсулот — айолини айнан шу ердан топиш мумкин. Дўкондаги барча майонезлар чиройли идишларга қадоқланган. Шу боис, уни кимгадир совға қилса ҳам бўлади.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади



Миррахимов Файзулла Джурраевич номидаги Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Есенин кўчасида жайлашган соғломлаштириш мажмуасининг № 10 100402020005 рақамли кадастр қоғози йўқолганлиги боис БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши ЎзМТДП Пахтакор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Убайдулла Низомовга падари бузуқворни

НИЗОМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик ихзор этади.